O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2011-yil 28-oktyabr • №44 (4131)

МАСЛАКДОШ ВА ТАЯНЧ

Бугунги мулкдор, ер эгалари — фермерлар билан суҳбатлашиб, гурунглашиб, қалбига қулоқ солиб кўрганмисиз?! Албатта, суҳбатлашгансиз. Шунда нимага эътибор бергансиз? Гап нима ҳақида борган? Кўпроқ пахта экилган ернинг қанчалиги... ғалланинг қандай навлиги... баҳорги табиат инжиқликлари... Булар ҳам муҳим. Бироқ фермернинг ички дунёси-чи?! Қалбини нима тўлқинлантирди, нима зирқиратиб ўтди?! "Шартнома уддаланди". Оғизнинг бир четидан чиқиб кетади. Лекин бунга етиб келгунча, неча-неча инсонлар умрининг қанчалаб эврилишлари кечади...

Абдухолиқ Самадов билан "134"да учраштик. Даставвал менга ҳам қизиқ туюлди. "134" дегани нимаси? Билганимдан кейин хаёлимдан ўтди: ҳа, ҳаётда ҳамма нарсанинг ўз номи бор — йўлнинг ҳам, тепаликнинг ҳам... "Қарсакли" фермер хўжалигидаги битта дала "134" дейилар экан.

Абдухолиқ фермер билан гурунгимиз қизиқ бошланди. Ён дафтарни олиб, қаламни ростлаб, савол беришга чоғландим. Фермернинг ўзи қандайдир самимий, қандайдир очиққўнгиллик билан сўзлаб қолди:

— Бир юз ўттиз тўрт бошқача дала. Баъзиларга айтсам, ҳайрон ҳам қолиши мумкин. Тўрт-бешта даламиз бор. Бу кўзимга яхши кўринади, юрагимни тортиб туради. Кўп келаман. Биласизми, сири нимада?

Фермерга тикилдим. Яширмайман, бунақа саволни ҳам, бунақа оддийликни ҳам кутмаган эдим. Ичимдан суюндим. Ахир, самимийлик ҳаммада ҳам бўлавермайди. Назар солганмисиз, бу фазилат кимларда кўпроқ? Қалби тоза инсонларда! Табиатида яхшилик зоҳир кишиларда.

— Саволингиз ҳам, фикрингиз ҳам қизиқарли, — дедим жилмайиб.

— Ана, уйим бир юз ўттиз тўртнинг ёнида. Шу ерда туғилганман. Шу далани кўрмаган куним нимадир камдай безовта бўламан.

Дала кезамиз. Пахтанинг ичида улғайганман. Озми-кўпми тушунаман. Пахтаси терилган чаноқлар. Тепада 4-5 та лўппи очилганлари... Улар ҳосил мўл бўлганини айтиб турибди.

Фермерлик ҳаракатининг туб моҳиятини чуқур тушуниб, деҳқончилик маҳоратини пухта эгаллаган, ўз фаолиятида бир нечта замонавий касбларни мужассам этган, доим олдинга интилиб, янги-янги режа ва мақсадлар билан яшайдиган, бой тажрибасини ёш авлодга — ўзининг муносиб давомчиларига бераётган фермерларни мен ўзимнинг энг яқин маслакдошим ва таянчим, деб биламан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригидан.

— Ҳосилдорлик гектарига қирқ центнердан ошдими? — сўрайман фермердан.

— Қирқ етти центнердан ошди. Ғалладан қирқ беш центнердан бўлди. Мен сизга бошқа бир гапни айтмоқчиман.

— Майли, майли. Қани... — чаноқлардан пахта териб кўксимга босаман.

— Қирқ етти центнерга етиб келгунча қанча-қанча қийинчиликлари енгиб ўтдим. Четда турган, кўчада юрган одам билмайди. Машаққатсиз нима бор? Ҳеч нарса йўқ. Президентимиз, давлатимиз қўллаганда фермер сифатида оёққа туриб олармидим! Йўқ. Биз илгари юрилмаган йўлдан бораяпмиз. Бу — Ўзбекистоннинг ўз йўли! Фермерликни бағдан бошлаганман. Сўнг пахта учун 10 гектар ер олдим. Кейин яна еримга ер қўшилди. Ҳозир 70 гектар. Хўжаликнинг моддий техника базаси нималигини тушунган тушунади. Фермернинг жони, кучи шунда. Бўлмаса, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа юзингиз сорилиб борасиз. Ёмон-да!

Фермернинг сўзини эшитиб, тасаввур қилдим: ғўза сувсаган. Гул ташлайди. Бир кунда чопиқ трактори билан эгат олиб суғориш зарур. Қани трактор? Йўқ. Боради: "Илтимос..." Тракторни бера қолади-ми?! Ўзига зарур. Далага келади. Трактор йўқ. Эгат олинмади. Эртага улгурмаса, ҳосил тамом. Бир йиллик меҳнати ёниб кетади. Иссиқ 50 даражадан ошаяпти. Кўзидан ёш чиқиб, ўпкаси тўлиб кетмайдими? Нима қилиш керак! Нима?..

Ватан учун яшайлик!

— Ортда қолдими булар? — тўхтаб, фермерга қарайман.

— Ҳозир моддий техника базамиз яхши. Ҳозир 6та тракторимиз бор. Ўтган йили 65 миллион сўм соф фойда олдик. Бу йил 95 миллионни кўзлаяпмиз. Оддий гап-а. Лекин бунда 22 ишчимизнинг пешона тери бор: ташвиши, қувончи, оиласининг ободлиги, насибасининг бутунлиги шунда. Мақтанаяпти, демасангиз айтаман.

— Э-э, бу ҳалол меҳнатингиз-ку!

— Худога шукур қиламан, "Ласетти"да юраман. Ўзбекистонимизнинг машинаси. Ноқулай бўлса-да айтай. Қишлоғимиздаги мактабни таъмирлашга ёрдам қилдик. Бир ярим километр йўлга қум тўкиб текислатдик. Обод бўлди. Маҳалладан сўраб, ҳар йили битта кам таъминланган оилага соғин сигир олиб бераман. Ишчиларимизга бир тоннадан икки тоннагача буғдой улашдик. Шундай бир шеър бор:

Бу дунёга нега келдик, яхшиликлар қилмасак,
Бу дунёга нега келдик, яхшиликни билмасак...

Мен шу пайтгача биронта фермернинг шеър ўқиганига дуч келмагандим. Рости, хурсанд бўлдим.

Давоми иккинчи саҳифада.

БИЕННАЛЕ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Бадиий академия ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган Art Week Style.uz-2011 санъат ҳафталиги доирасида VI халқаро Тошкент замонавий санъат биенналеси бўлиб ўтмоқда. Ҳозирги шиддаткор даврда жаҳон санъатида ҳар куни ўзгаришлар рўй бериб турибди. Шундай ҳайратомуз манзараларни VI биенналега Ўзбекистон ҳамда ва хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган бир юз элликдан зиёд рассомлар тақдим этган турли лойиҳалар, рангтасвир асарлари, фотосуратларда кўриш мумкин.

Кўргазма дебочасида "Фабержи уйи" томонидан тақдим этилган Карл Фабержи ҳаёти ва янги услубдаги ижодга доир еттита манзарадан иборат "Услуб — бу мен", дунё рассомчилиги дурдоналарини жамлаган Жоан Миро ва замонавий испан импрессионистлари — Луис Амэр, Мартин Караль, Хорхе Нуньес ҳамда рассом-фотосуратчи Игор Вишняковнинг "Кумуш аср" асарлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Экспозициядан ўрин олган қорақалпоқ ўтови, миниатюра асарлари, заргарлик буюмлари ҳам томошабинларда катта таассурот қолдираётир. Биенналенинг иккинчи куни Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида немис фотографи Франк Роделнинг фотосуратлари, ўзбекистонлик таниқли ва ёш рассомларнинг икки юздан зиёд рангтасвир, графика, инсталляция, видео-арт услубларидаги асарлари намойиш этилди. Шунингдек, санкт-петербурглик рассом Елена Потякинанинг "Пушкин ва ..." номли тўплами, Ануш Авакян ва Рубен Саакяннинг "Айлана ва квадрат" лойиҳасидаги гул ва сопол, тасвирий санъатнинг ёркин намояндаларидан Андрей Крикиснинг ҳаёт ва фалсафа уйғунлиги акс этган асарлари ҳам томошабинларга манзур бўлди. Ҳар йили биенналеда муваффақиятли иштирок этиб келаётган таниқли рассом Файзулла Аҳмадалиевнинг "Қатағон қурбонлари", "Бухоро марвариди" каби асарлари нафақат мамлакатимиз, балки хориждан ташриф буюрган меҳмонларни ҳам ҳайратга солди. А.Бахтиевнинг "Менинг хаёлим", "Келажак ҳақида", "Хотиралар" каби асарлари ҳам ёш мухлислар эътиборига сазовор бўлди.

Учинчи куни Тасвирий санъат галереясида ўзбекистонлик ёш мўйқалам соҳибларининг Буюк Британия, Франция, Голландия, Туркия ва Россиянинг таниқли рассомлари билан ҳамкорликда яратилган "Гедонизм эстетикаси: таом, тана, руҳ" кўргазмаси очилди. Жумладан, дунёга машҳур немис рассоми Отто Дикс асарлари, Озарбайжон, Афғонистон, Эрон ва Туркия рассомларининг этнографик ва долзарб мавзулардаги санъат асарларидан намуналар "Марказий Осиё салони" лойиҳасида намойиш этилди. Тўртинчи куни Ўзбекистон давлат санъат музейида "Ўзбекистон — менинг уйим" кўргазмаси очилди. Мазкур музей заҳирасидан олинган, мамлакатимизнинг кўпмиллатли санъатида ўз ўрнига эга бўлган таниқли яхудий рассом ва ҳайкалтарошлари ҳамда Ўзбекистонда турли йилларда яшаб ижод этган рассом ва ҳайкалтарошларнинг ишлари экспозициядан жой олди. Ўзбекистон тасвирий санъати ривожига катта ҳисса қўшган рассом Ю.Елизаров 1958 йилда яратган "Ўзбекистон санъат арбоблари портрети" туркумидаги асарларда Ойбек, Ю.Ражабий, П.Беньков, Ў.Тансиқбоев, М.Турғунбоева, Ҳ.Носирова, Тамарахоним ва бошқа санъат намояндалари образлари ёркин акс этган. А.Гольдрей, М.Калантаров, Э.Калантаров, И.Лизак, И.Рубин, Л.Резников, А.Винер, Г.Зильберман ва бошқа машҳур рассомларнинг асарлари ҳам кўргазмага қўйилди. Ушбу нодир асарлар билан бирга намойиш этилаётган амалий-безак санъати, бадиий металл намуналари ҳам томошабинлар эътиборини жалб этди. Бешинчи куни Халқаро маданият карвон-саройида анжуман иштирокчилари эътиборига "Кўза – фазовий тафаккурнинг шакли сифатида" номли лойиҳа ҳавола этилди.

VI халқаро Тошкент замонавий санъат биенналеси доирасида кўп маданиятлик транформациясига доир давра суҳбати ўтказилди. Унда хорижий ва маҳаллий рассомлар, санъат арбоблари иштирок этди. Эртага шанба оқшомида Ёшлар ижод саройида VI халқаро Тошкент замонавий санъат биенналесининг ёпилиши ва ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

Сарвара ҚОСИМОВА

Алексей ПОПОВ олган сурат.

ТОШКЕНТ КИНОФОРУМИ ЎЗ ҒОЛИБЛАРИНИ АНИҚЛАДИ

«Энг яхши эркак роли учун» номинацияси голиби Нозим Тўлахўжаев.

"Энг яхши тўлиқ метражли филм учун" номинацияси голиби режиссёр Зулфиқор Мусоқов.

Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган суратлар.

"Олтин гепард" биринчи халқаро Тошкент кинофоруми қизғин курашларга бой бўлди. Куни кеча Ёшлар ижод саройида нуфузли анжуманнинг ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Юртимизнинг таниқли кино намояндалари, хорижлик мутахассилар иштирокида ўтган тантанали тадбирда форум ғолиблари эълон қилинди.

"Олтин гепард" — 2011

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра тайпейлик режиссёр Чанг Со-Чининг "Муҳаббат келган дамда" филми — "Энг яхши режиссура", эронлик Шаҳрам Мокрининг "Хом, пиширилган, куйдирилган" картинаси — "Энг яхши қисқа метражли филм учун", германиялик Верена Фелснинг "Мобил" мултфилми — "Энг яхши анимацион филм учун", россиялик актриса Полина Кутепованинг "Шамоллар уйи" филмидаги ижроси — "Энг яхши аёл роли учун" номинацияларида ғолиб деб топилди.

Қувонарли жиҳати, совриндорлар орасида ўзбек ижодкорлари ҳам бор. Таниқли актёр Нозим Тўлахўжаевнинг "Илова" (режиссёр Ёлқин Тўйчиев) филмидаги образи "Энг яхши эркак роли учун" номинациясида, Зулфиқор Мусоқовнинг "Қўрғошин" картинаси "Энг яхши тўлиқ метражли филм учун" йўналишида олий мукофотни қўлга киритди.

Шундай қилиб, Тошкент кинофоруми барча ғолибларини аниқлади. Анжуман расман ёпиқ деб эълон қилинган бўлса-да, "Олтин гепард" дирекцияси ўз ишини тўхтатгани йўқ. Бундан буён ушбу нуфузли санъат байрами юртимизда мунтазам ўтказиб борилади.

Давоми бешинчи саҳифада.

НЕГА БАҲОСИ ҲАР ХИЛ?

Жамиятимизда инсон манфаатлари барча нарсадан устун эканлигини биргина тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, республика бўйича шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказлари моддий-техник базасининг янгиланган ва репродуктив саломатлик бўйича тиббий хизматлар сифатининг оширилгани бу фикримизга далилдир.

Агар шифохоналарга ўзимиз ёки фарзандимизнинг соғлиғидан шикоят қилиб борсак, ширинсухан ҳамширалар юзларидан нур ёғилиб бизни кутиб олади ва тажрибали шифокор ҳузурига йўллайди. Шифокор фарзандингиз дардига малҳам бўладиган дорилар рўйхатини тақдим этади. Шифо умидида дорихонага шошиласиз. Дорилар нархини айтган сотувчининг кўзлари "Оласизми?", дегандек нажот билан сизга боқади. Сизнинг эътиборингизни эса унинг: "Қолганлари йўқ эди", деган гапи жалб этади. Иложсиз кейинги дорихонага йўл оласиз.

Ниҳоят, дорилар нархидаги тафовут сизни ўйлантириб қўяди: иккита ёнма-ён дорихона, дориларнинг номи ҳам, ишлаб чиқарган фирмаси ҳам, миқдори ҳам бир хил, аммо... Нархларда нега бунчалик катта фарқ бор?!

Куюнчак газетхондан мактуб

Бу шунчаки қизиқувчанлик эмас, балки ҳар қандай одамни ҳам ўйлантириб қўядиган масала. Жумладан, мен ҳам анчадан буён шу масала юзасидан суриштирув ўтказиб юргандим. Мана, натижаси:

Корволол	800	1200	
Лазолван	1080	1400	
Вигантол	7000	8600	
Цефтракцион		2900	3600
Глицин	3600	4200	

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бор-йўғи, биттагина дори сотиб олсангиз нархлардаги бундай фарққа эътибор бермаслигингиз мумкин. Агар қўлингизда бир нечта дорининг рўйхати бўлса-чи?! Дори нархи 20-30 мингдан юқори бўлса-чи?

Тўғри, ҳар хил нархда дори сотаётган дорихоналар турли ташкилотларга қарайди. Балки шунинг учун нархлар ҳар хилдир. Балки биз билмаган бошқа сабаблари бордир. Нима бўлганда ҳам, ҳаётимиз мазмуни, келажагимиз устуни ҳисобланган фарзандларимиз ва ўз саломатлигимизни сақлаш йўлида бу каби муаммолар мавжудлиги мутасадди ташкилотлар эътиборидан четда қолмайди, деган умиддамиз.

Гулжаҳон БОЙМУРАТОВА,
журналист

БИЛДИРИШ

Шу йилнинг 2 ноябр чоршанба куни соат 15.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Опажоним — шеърият" тўгарагининг навбатдаги машғулоти бўлади. Машғулотга барча қизиққанлар таклиф этилади.

Манзил: "Ўзбекистон" кўчаси, 16 А уй, 6-қават. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

ОБУНА — 2012 → 6

Азиз газетхон!

Севимли газетангиз — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га 2012 йил учун обуна бошланди. Обуна туманларнинг матбуот тарқатиш бўлимлари, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг почта бўлимлари, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади. Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин. Ҳурматли муштарий, агар сиз «ЎзАС»га вақтида обуна бўлсангиз, ижодий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади.

Нашр кўрсаткичимиз –222.

"Theatre.Uz" — ЖАҲОН САҲНАСИ САРИ ЙЎЛ

"Style.Uz – 2011" санъат ҳафталиги доирасида иккинчи маротаба ўтказилган "Theatre.uz" халқаро театр фестивали якунига етди. Мазкур санъат анжуманида Буюк Британия, Германия, Озарбойжон, Украина, Исроил, Россия каби мамлакатлардан ташриф буюрган жамоалар ўз спектакллари билан қатнашишди. Шунингдек фестивалга пойтахтимиз ҳамда вилоят театрларининг ранг-баранг асарлари тақдим қилинди. Анжуманнинг эътиборга лойиқ воқеаларидан яна бири Ўзбекистон ва Буюк Британия қўшма лойиҳаси бўйича буюк шоирлар Алишер Навоий ҳамда Уилям Шекспир асарлари асосида саҳналаштирилган "Қисса йўқдур бундан маҳзунроз" спектаклининг намойиши бўлди.

— Фестивал Тошкент шаҳри халқаро театр саҳнасига айланаётганини яна бир бор исботлади, — деди "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари Омонулла Ризаев. — "Theatre.Uz" халқаро фестивали ташкил қилинганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай йилдан-йилга фестивал мавқеи ошиб бормоқда. Асосий мақсад ўзбек томошабинларини жаҳон театри ютуқлари билан таништириш, хориж театрлари билан янгилик алмашишдан, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат. Шунингдек, мазкур фестивал орқали республикамиздаги вилоят театрларини ҳам халқаро саҳналарга олиб чиқиш кўзда тутилган. "Theatre.Uz" анжумани доирасида кўплаб дастурлар ўтказилди. Ўзбекистон Ёшлар театри ҳамда Санъат институтида германиялик ва исроилик театр усталари иштирокида маҳорат дарслари бўлиб ўтди. Миллий матбуот марказида юртимиз ҳамда хорижлик мутахассислар иштирокида "Марказий Осиёнинг жаҳон театр жараёнида тутган ўрни ва роли. Ўзбекистон театр санъатининг йигирма йиллик эркин ривожланиш босқичлари" мавзуида илмий анжуман ўтказилди.

Фестивалнинг тантанали ёпилиш маросими Ўзбекистон Ёшлар театрида бўлиб ўтди. Тадбир сўнггида фестивалнинг барча иштирокчилари фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бахтиёр ЁҚУБОВ

МАСЛАКДОШ ВА ТАЯНЧ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Қумқўрғон — Сурхондарёдаги нуфузи баланд туман. Ҳокимликнинг масъул ходими Қаҳрамон Алматов "Абдухолиқ Самадов билан суҳбатлашинг, қамрови кенг фермер", деганди. Битта дарахт ўрмон бўлмайди. Бошқа фермерлар қандай? Билгим келди. Улкан каналда типтиниқ сув тўлиб оқаяпти. Канал четидаги йўлдан бораётиб тўхтадим. Ана, дала. Қизиқдим: қайси фермернинг даласи? Ариқдан ўтиб узоқларга қарадим. Эсимга тушди. Бундан беш йиллар илгари "Бобоқул бобо" фермер хўжалигига келгандим.

Менинг расмиятчиликка тобим йўқ, Эргаш Бобоқулов ҳам шундай. Дангал йигит. Шу ерларнинг эгаси.

— Эргаш ака, ер эгасини топди, деймиз. Бу нима дегани?

— Фермерликнинг бошида эслайсизми, ҳамма ерга тармашди: "Мен ҳам фермер бўламан. Мен ҳам қайтиб бўлса-ям ер оламан!", деб. Сизга тўғрисини айтайинми, ерни билган ҳам, билмаган ҳам фермер бўлди. Ҳамма фермерликка қараб югурди. Эллик гектар майдонда лоф десангиз ҳам 10-15 та фермер ўралашиб қолди. Кейин-кейин кимнинг "тарвузи хом" экани билинди. Ерга нафсини ўйлаган хўжайин эмас, меҳр керак. Буни қуруқ гап десангиз, меҳр ичида заҳмат, масъулият, тадбиркорлик бор. Юкни кўтаролмаганлар кетди. Алининг майдони бу. Сомон кетди, дон қолди. Ер эгасини топди. Вақт ҳакам. Олтинни мисдан ажратади.

— Сиз ўзингизни ернинг асл эгасиман, асл деҳқонман, деб биласизми?

— Буни ишчиларимиздан сўрайсиз. Ҳозиргача пахтадан қарийб 40 центнер, ғалладан 40 центнердан ошириб ҳосил олдик. 740 тонна пахта бердик. Шартномани бажардик. Ўтган йили 300 миллион сўм соф даромад олгандик. Бу йил 320 миллиондан ошади. Бунча бойлик осмондан тушгани йўқ.

Пул ҳақида кўп гапириш дуруст эмас. Инсон ўзи билмаган ҳолда унга интиладиган бўлиб қолади. Аммо тилимнинг учида бир гап. Айтсамми-айтмасамми!! Фермер хафа бўлмасмикин?! Йўқ, айтдим:

— Юз миллионлаб пуллардан гапирдингиз. Эшитганман, пулни тўплаб, сандиққа солиб, устига ўтириб олиб яшаётган фермерларни... Сиз-чи?

Эргаш ака жим қолди. Хаёлимдан ўтди: наҳотки мендан ранжиди? Назаримда, ҳозир гапни бошқа томонга олиб қочади. Йўқ, кўзлари айтиб турибди, дарёдил одам. Асл фермер...

— Юринг, "Нексия"да 400 гектар ериминзинг ҳаммасини айланиб келамиз...

Машинага ўтирдик. Яқин экан. Шийпон, ишчилар, тракторчилар, теримчилар...

Машинадан тушаётиб, фермер гап қистирди:

— Бояги саволингизнинг қалтис жойи бор. Қани, марҳамат!

Гап бўлинди. Саломлашдик. Фермер таништирди:



— Илҳом Бобоқулов иш юритувчи, Шунқор Холмуродов зўр ишчимиз, Номоз Иброҳимов тракторчимиз, Шерали Аннаев сувчи, Жума Ҳимматов сувчи...

Ҳаммани бирма-бир айтиб чиқди. Яна қўшимча қилди:

— Уруғчилик бўйича синов... нима дейди, олимлар билан ҳамкорликда ишлаймиз. Уруғчиликда даромад катта.

Ишчилар билан суҳбатлашдик...

Йўлда Эргаш аканинг ўзи гап очди:

— Бунча пулни нима қиласиз, дедингизми? Фақат газетада "Эргаш фермер роса мақтанди", деб ёзманг. Ҳақиқатни ёзинг. Пулни босиб ётиш китоб кўрмаган, матбуотдан бехабар одамнинг иши. Пулни ҳаётга айлантириш керак. Китоб ўқишни яхши кўраман. Қўполроқ қилиб бир гапни айтайми, китобдан узоқлашган кишини пул ютиб юборади. Куни кеча Чингиз Айтматовнинг "Охир замон нишоналари" романини ўқидим. Бир чиққанда шу ёзувчи! "Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида"ни бошладим. "Вавилионлик энг бой одам" китобини олиб келдим. Қишлоғимиздаги ўзим ўқиган мактабга бориб турадиган даромад катта.

Машинадан тушаётиб, фермер гап қистирди:

— Бояги саволингизнинг қалтис жойи бор. Қани, марҳамат!

Гап бўлинди. Саломлашдик. Фермер таништирди:

Ишчилар билан суҳбатлашдик...

Йўлда Эргаш аканинг ўзи гап очди:

— Бунча пулни нима қиласиз, дедингизми? Фақат газетада "Эргаш фермер роса мақтанди", деб ёзманг. Ҳақиқатни ёзинг. Пулни босиб ётиш китоб кўрмаган, матбуотдан бехабар одамнинг иши. Пулни ҳаётга айлантириш керак. Китоб ўқишни яхши кўраман. Қўполроқ қилиб бир гапни айтайми, китобдан узоқлашган кишини пул ютиб юборади. Куни кеча Чингиз Айтматовнинг "Охир замон нишоналари" романини ўқидим. Бир чиққанда шу ёзувчи! "Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида"ни бошладим. "Вавилионлик энг бой одам" китобини олиб келдим. Қишлоғимиздаги ўзим ўқиган мактабга бориб турадиган даромад катта.

Ишчилар билан суҳбатлашдик...

Йўлда Эргаш аканинг ўзи гап очди:

— Бунча пулни нима қиласиз, дедингизми? Фақат газетада "Эргаш фермер роса мақтанди", деб ёзманг. Ҳақиқатни ёзинг. Пулни босиб ётиш китоб кўрмаган, матбуотдан бехабар одамнинг иши. Пулни ҳаётга айлантириш керак. Китоб ўқишни яхши кўраман. Қўполроқ қилиб бир гапни айтайми, китобдан узоқлашган кишини пул ютиб юборади. Куни кеча Чингиз Айтматовнинг "Охир замон нишоналари" романини ўқидим. Бир чиққанда шу ёзувчи! "Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида"ни бошладим. "Вавилионлик энг бой одам" китобини олиб келдим. Қишлоғимиздаги ўзим ўқиган мактабга бориб турадиган даромад катта.

Ишчилар билан суҳбатлашдик...

Йўлда Эргаш аканинг ўзи гап очди:

— Бунча пулни нима қиласиз, дедингизми? Фақат газетада "Эргаш фермер роса мақтанди", деб ёзманг. Ҳақиқатни ёзинг. Пулни босиб ётиш китоб кўрмаган, матбуотдан бехабар одамнинг иши. Пулни ҳаётга айлантириш керак. Китоб ўқишни яхши кўраман. Қўполроқ қилиб бир гапни айтайми, китобдан узоқлашган кишини пул

man. "Ўзбек халқ эртаклари" томлари чиқди. Болаларга совға қиламан. Ўқитувчиларни, аълочи ўқувчиларни газета-журналларга обуна қилиб бераман. Мактабда ўқиган пайтларимда қийналган оилаларнинг болаларига кийим-кечак бериларди. Мен ҳам кийганман. Энди кам таъминланган оилалар фарзандларига қайтараяпман.

— Замонавий типда қурилаётган уйларни бориб кўрдингизми?

— Албатта. Шу уйлардан бештасини олдим. Бу йил 3 таси битади. Президентимизга миллион раҳмат-ей. Қишлоқ одами дунёни обод қилади. Ўзи қийин яшайди. Қишлоқдагилар ҳам инсондай яшаши керак-ку. Э-э, ана уйлар! Ўзим ҳам биттасига кўчиб ўтаман.

Машина тўхтади. Бу ерда фермернинг 600 бош қўй-эчкиси бор экан. Чўпон билан гурунглашдик. "Келаси йили мингтага етказамиз, мингтага", дейди у.

Тушга яқин қайтдим. Йўлда ўйладим: бугун фермер ўн йил олдинги фермер эмас. Улар улкан ҳаёт билан ҳамнафас. Президентимиз "Фермерлар нафақат халқимиз фаровонлигини юксалтириш, балки мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашда, ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий ривожида ҳам ҳал қилувчи кучга айланиши керак", деб бежиз таъкидламади. Бу масъулиятни фермерлар дадил зиммаларига олаяптилар. Қишлоқда фаровонликнинг янги босқичи бошланди.

Менгнор ОЛЛОМУРОД

Сўздан сўзнинг фарқи бор...

ЯЛАНҒДАГИ ЯЛАНҒОЧ

Яланғоч. Бу сўз *"яланг"* сўзидан келиб чиққан. Маҳмуд Кошғарий изоҳига кўра, қадимда "ўт тушган жой каби қора, заранг, гиёҳ битмас ер"га нисбатан "яланг" сўзи ишлатилган. "Оч" сўзининг маъноси эса, ҳаммамизга маълум. Демак, *"яланг"+"оч"*дан "яланғоч" сўзи пайдо бўлган.

ҚОВУҚ, ҚОВОҚ, ҚОВУН...

Ковук. *"Қовуқ"* ва *"қовоқ"* сўзлари ўртасида ўхшашлик бор. Бу сўзларнинг бири одам танасининг аъзосини англатса, бири полиз экини *"ошқовоқ"* маъносини билдиради. Қарангки, улар мазмунан бир-биридан узоқ, лекин товушлар уйғунлиги жиҳатдан деярли бир хил. Аммо туб маъно сари борилса, бу уйғунлик бежиз эмаслиги маълум бўлади. Яъни *"қовуқ"* сўзи *"ичи бўш нарса"*, дегани. Ҳолбуки, қовоқнинг ҳам ичи бўш. *"Қовоқ калла"*, деган ибора ҳам шундан. Балки *"қовун"* сўзи ҳам бу сўзлар билан "қариндош" бўлиши мумкин. Чунки қовуннинг ҳам ўртаси бўш бўлади.

СОҒИНИШ

Соғиниш. Бу сўзнинг асл маъносига эътибор қилсангиз, унинг тарихини яхшироқ ҳис этасиз. *"Соғинди"* сўзи қадимда *"бировнинг ғамини еди"*, деган маънони билдирган. Дарҳақиқат, бу сўз ҳозир ҳам биров учун куйиниш, биров учун қайғуриш ва интилиш мазмунини англатади.

ОТАРЧИ ЎТЛАЙДИМИ?

Отар. Бу сўз тилимизда қадимдан бор. Яйловда боқиладиган қўйларнинг йирик тўдаси "отар", деб аталади. "Ўзбек тилининг этимологик луғати"да изоҳланишича, "ердан ўзи кўкариб чиққан, бир йиллик яшил ўсимлик" маъносини англатган **от (ўт)** отига **-а** қўшимчасини қўшиб ясалган **ота-** феъли мавжуд бўлган ва "ўт е" маъносини англатган. Шу феълга **-р** қўшимчаси қўшилиб, **отар** сифатдоши ҳосил қилинган. Бу сифатдош асли "ўтлайдиган" маъносини англатган, кейинчалик отлашиб, "яйлов", "ўтлоқ" маъносини, сўнгра "ўтловчи ҳайвонлар" маъносини англата бошлаган".

"Ота"("ўта") феъли "ўт е" маъносини англатган дейилган. Тилимизда ҳозир ҳам шунга ўхшаш ҳодиса сақланиб қолган. Масалан, "оша" феъли "ош е" мазмунини билдиради.

Хўш, унда кейинги даврларда пайдо бўлган "отарчи", "отар" сўзларига нима асос бўлган. Эҳтимол, бу сўзга "ичкилик ичиш" маъносидаги "отар" сўзи сабаб бўлдимикан? Ёки "ўрта, ўртачи, ўртакаш" сўзлари ўзгариб, "отарчи"га айландимикан? Балки у "ўтарчи"дир. Бу ҳақда аниқ бир нарса деёлмаймиз. Лекин отарчининг отарга чиқиши рамзий маънода ўтлагани чиқиш билан уйғун келади. Адабий ўхшатишларда "отарчи отарга ўтлагани кетди", "отарчи ўтлаб кетди", деб ишлатилса ҳарқалай унчалик мантиқсиз ўхшатиш бўлмайди. Эҳтимол, икки "отар"нинг илдизи икки ёқдадир, бир-биридан йироқдадир, шундай бўлса-да, уларда ғалати ўхшашлик бордай туюлади.

Эшқобил ШУКУР

ЭСКИРМАС МАВЗУ

Қиз болани қандай тарбияламоқ керак?

Шахсий фикр

Бу саволга одамзод азал-азалдан жавоб излаб келади. Шу сабаб ёнидаги аёл сиймосида кимдир жаннат суратини, кимдир машаққат ва изтироб қўланкасини, кимдир ўз бағрининг бир парчасини, кимдир тақдир ўқидаги гуноҳ ҳалқасини кўради.

Кўп асрлардан бери юқоридаги саволга жавоб эркак зотининг хоҳиш-истакларидан қидириб келинган. Эркак доим аёл ҳусну латофатини ўзига садоқати туфайли қадрлашини эътироф этади. Аёлнинг нозиктаъблиги, ширин сўзу гўзал муло-қотини хуш кўриб, унинг иштиёқу шижоатида ҳам назокат бўлишини, сабру қаноатда ўзидан-да устун бўлишини афзал билиб келади. Уни оташин ва туганмас меҳр манбаи, ўзи ва фарзандларининг беминнат хизматкори, топган-тутганини асрагучи хазинабон, фикр ва ғояларида фикрдош бўлишини хоҳлайди. Бу ўз навбатида аёлнинг хулқу адабини белгилашда меҳвар мақомини ҳам ўтаган.

Аёл тафаккури ва руҳиятида ноқислик мавжудлиги эркак томонидан гоҳ ошкора, гоҳ зимдан таъкидлаб турилса-да, унинг хулқу адабда юксаклиги ҳам эътироф этиб келинади. Ҳеч бўлмаган-да, ўғил онаси тимсолида одоб ва яхши хулқ эгаси бўлган тарбияловчини кўради. Бироқ бугун эркак хоҳиш-истакларидан четга чиқадиган, унинг аёл ҳақидаги, ҳатто аёлнинг ўзи ҳақидаги шаклланиб келган асрий қарашларида ўзгариш юзага келаётган бир замонда яшаяпмиз.

Бу ўзгаришлар аввало ўзаро муносабатларда кўринмоқда. Бугун оталари ва акалари кўз ўнгида соч тарамайдиган, улар олдида юз-кўл ювишдан ийманадиган набира-қизларимиз оналаримиз андишасини ҳис қила олишмайди, деб қўрқаман. Йўл четида тескари ўгирилиб, эркакларни ўтказиб юборадиган момоларимиз ҳаракати (албатта, одамлар гавжум манзиллар бундан мустасно) бугун йигитлардан йўл бўшатишини кутадиган қизларимизга кулгили туюлиши аниқ. Ота уйга кирганда ҳамма баравар ўрнидан туриб салом бериши, ҳамма жойни тозалаб, отанинг уйга қайтишини катта тайёргарликлар билан кутиб олиш каби одатларимиз "эскириб" қолаётгандек. Ота ишдан қайтган маҳал юзлаб хонадонларда она бошчилигида қизлар қундалик юмушлар ва инсоний фаолликдан чалғитувчи телесериаллар томошаси билан банд бўлади. Албатта, шундай "муҳим" пайтда кимгадир эътибор қаратиш малол келади, ҳатто у ота бўлса ҳам.

Вақтдан унумли фойдаланадиган, сериал кўрилмайдиган хонадонларда эса қизлар таълим даргоҳларидаги ўқишдан сўнг турли репетиторлар, мусиқа мактаблари ёки шу каби жойлардан кеч қайтганлиги сабаб "отани кутиб олиш" жараёнида қатнашмайди. Эҳтимол, бу каби одатларимизнинг эскириши оилада ота ёки эр мавқеининг пасайишидан далолат эмасдир. Бироқ мана шу одатларга қўшилиб, азалдан қиз бола феълу шамойилига сингдириб келинган шарқона гўзаллик толалари ҳам узилиб бораётгандек...

Она меҳри

Албатта, онанинг фарзандига бўлган муҳаббати йўқолмас, собит туйғу инстинкт эканлиги ҳақидаги тасаввурларимизга дарз етгани йўқ. Таассуфки, бугун айрим қизларимиз меҳнат қилишдан бўйин товлашмоқда. Меҳнат билан она меҳрининг нима алоқаси бор, дерсиз? Ёши улғайиб, фарзанд тарбиялаётганлар ўз болаликларини эслаб кўришсин. Оналари ҳақида қандай хотиралар, қандай суратлар тавдаланади? Аксарият онасининг тонгда фарзанди уйғонишига иссиқ нонлар ёпганлиги, ширин таомлар тайёрлаганлиги ёки бир сўз айтмасдан кийимларига кўзмунчоқлар тикиб қўйганлиги, умуман, тонгдан тунгача қўли меҳнатдан бўшамаганини хотирлашади. Бу тиниб-тинчимаслик, жонкуярлик, айтилмасдан қилинган эътибор орқали она меҳрининг сўз билан ифодаланмас тасдиғини кўради. Бугун телевизор қаршисида кунни кеч қилаётган оналарнинг фарзандлари эртага уларни қайси ҳолатда хотирлашар экан? "Бор, ҳозир вақтим йўқ", дея инкор қилинаётган фарзандлар онасини банд қилган "муҳим ишлар" ичида ўз ўрнини нечанчи рақам билан белгилашар экан?

Фидойилик ҳам, унинг акси бўлган тушунча ҳам онадан қизга, қиздан набирага ўтиб боради. Бугун бир ҳафтада бир марта уй тозалайдиган қизлар тил ўрганиши, илм олиши, олий даргоҳларга ўқишга кириш учун тайёргарлик кўриши лозим. Бироқ институт ва университетларда таълим оладиган қизларимизнинг бир ойда бир марта ўтказиладиган "ҳашар"да ўзларини тутиши кишини ҳайратга солади. Институтнинг кичкинагина ҳовлисини супиришни "сансолар-мансолар" қилиб, тап тортмасдан юзингизга: "Биз ўтган ой супирдик, энди бошқалар супирсин", дея қўлига тутқазган супиргини олишдан бўйин товлаётган қизларимизнинг аъло баҳолар билан ўқишини, хорижий тилларни ўрганишини қувонч билан олқишлай оламизми? Тўғри, супириш-сидириш, тикиш-бичиш, пишириш-қуйдириш фақат аёлларнинг иши, деган қарашларга аллақачон дарз кетиб бўлди. Булар аёлларнинг иши эмас, деган қарашлар ҳам шаклланмоқда. Бироқ инсоният мана шу жараёнда битта қимматли нарсани — онанинг беминнат меҳрини, фарзанднинг унга бўлган чексиз эҳтиромини йўқотиб қўймасмикан?! Негаки, бу беминнат меҳр — беминнат меҳнатни талаб қилади. Аслида ҳар қандай муҳаббатнинг — фарзандга бўладими, ота-онага бўладими, Ватанга бўладими, севикли ёрга бўладими – биринчи шарти фидойилик, жонкуярлик ҳисобланади.

Кекса ота-онасининг кўнглини олишга уқувсиз фарзандлар кўпайиб бораётгани ачинарли. Бироқ фарзанди учун меҳнат қилишга эринаётган оналарнинг кўпайиб бораётгани кишини ўйлантириб қўяди...

Саломатлик

Бугун оналаримиз нутқида янги иборалар пайдо бўлган: "Ўтиш даври", "Ўсмирлик даври", "Шунақа давр"... Момоларимиз қиз болага нисбатан айтишга андиша қилибми ёки бехабарликданми мутлақо тилга ҳам олмаган бундай иборалар кўплаб хонадонларда баралла янграмоқда. Жиззаки, юзга сапчийдиган қизлари феълини тушунишда оналар мана шундай "тиббий" атамаларга мурожаат қилишмоқда. Қизлар хулқидаги бундай салбий ҳолатларга улар руҳиятидаги носоғломлик сабабми ёки бу азалдан сингдирилиб келинган ахлоқий сифатларнинг ўзгараётганидан далолатми? Замонамизда янги муаммолар, хавф-хатарлар ғарбдан келаётган қаддиқомат ҳақидаги назарияларнинг салбий таъсири ортиб бораётганида кўринади. Ўсмирлик даврида ҳар бир қизнинг ойна яқинида ўтириб қолиши табиий ҳол, албатта. Бироқ 14-15 ёшдаги, жуссаси тўлароқ қизларимизнинг аксарияти парҳезда юришини ҳатто оналари ҳам пайқамай қолишмоқда. Бугун асосий вақти "сауна", "Гўзаллик салони", "шейпинг"ларда ўтадиган аёллар гуруҳи кенгайиб бораётган бир даврда қизлар орасида парҳез сақлаш ёки турли оздирувчи ҳапдорилар ичишга қизиқишнинг авж олиши оналаримиздан ҳушёрликни талаб қилади. Зеро, фарзандларимиз соғлиғига путур етказадиган (экологик ва бошқа) хавф-хатарлар қаторига янгилари қўшилмасин.

Талабалик

"Қиз бола бировнинг хасми", "Тенги чиқса, текин бер", деган гаплар бежиз айтилмаган. Бироқ оила қурган талаба қизларимиз ҳаётида энг оғир кечадиган давр ўқиш даври ҳисобланади. Бир томонда — эр, қайнона, уй юмушлари, бир томонда — ўқиш. Вақт етишмаса, албатта, иккинчи томонни сустлаштиришга тўғри келади. Фарзанд кўришса, ўртада кимдир саргардон. Рўзғор юмушлари, фарзанд тарбияси, ўқиш — барчаси катта куч талаб қилади. Баъзиларда ўқишни бир амаллаб тугатиш истаги, баъзиларда ҳаётдан норозилик кайфиятлари туғилади. Бугун республикамиз олий ўқув юртларида таҳсил олаётган қизларимиз орасида оилали, фарзандлилар ҳам анчагина. Жамиятда аёллар фаоллигини ошириш масаласи ҳукумат эътиборида турган бир пайтда талаба қизларимиз ўқишига, руҳий ҳолатига таъсир этаётган омилларни ўрганиш (хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин) ва муҳокама этиш фойдадан холи эмас.

Янгича қарашларни вақтида илғаш, юзага келаётган муаммоларни бартараф этишда кўпчиликнинг фикри, мулоҳазаси муҳимдир. Зеро, қиз болани қандай тарбияламоқ керак, деган саволга жавоб қидириш эскирган мавзуга қайтиш дегани эмас.

Фарзандларимиз тарбиясида миллий қадриятлар моҳиятини асраган ҳолда янги шаклланаётган урф-одатларга эътиборли бўлиш барчамизнинг вазифамиз.

Нилуфар НАМОЗОВА,
журналист

ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ

Она тилининг инсон ва жамият ҳаётидаги бетакрор ўрни ва аҳамиятини теран англаш, унинг беқиёс гўзаллиги ва жозибасини юрак-юракдан ҳис этишда мактаб таълими, айниқса, она тили ва адабиёти муаллимларининг хизмати катта.

— Олимлар кузатувига кўра, болаликда хотирага муҳрланган ҳар бир сўз, ибора, воқеа бир умр унутилмас экан, — дейди Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 229-мактабнинг она тили ва адабиёти муаллимаси Замира Абилова. — Шу боис ўқувчиларимиз дарслик ва қўшимча адабиётлардаги шеър ва ғазалларни ёд олишларини одатга айлантирганмиз. Бадиий асарларни қолдирмай ўқишларини ўзаро мулоқот ва қўшимча машғулотлар орқали мунтазам назорат қилиб бораман.

Дарҳақиқат, мактаб ўқувчилари Тил байрами муносабати билан ўтказилган «Она тилим — жону дилим» дея номланган байрам тадбирида она тили ва адабиёти фанига бўлган қизиқишларини ёрқин намойиш этишди. Байрамга хос безатилган саҳнада она тилимиз довруғини бутун дунёга таратган Алишер Навоий бобомиздан тортиб замонавий ўзбек адабиёти вакилларининг шеър ва ғазаллари янгради.

Байрам тадбири «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси таҳририяти ходимлари билан учрашувга уланиб кетди. Тадбирда сўзга чиққан газета бош муҳаррири Саъдулла Ҳаким, мактаб директори Роза Қурбонбоева, Ота-оналар кенгаши аъзоси Фаёз Сирожев истиқлол йилларида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, айниқса, баркамол авлод тарбиясига давлатимиз томонидан берилаётган эътибор хусусида сўз юритишди. Газетанинг маънавият, адабиёт ва санъатни тарғиб этишдаги ўрни алоҳида таъкидланди. Шунингдек, унинг ёшлар ҳаёти, таълим-тарбия жараёнига оид маърифий-ахлоқий мавзуларни янада кенгроқ ёритиш орқали мактаб ҳаётига таъсирини кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Холхўжаевнинг она тили тараннум этилган, меҳр-оқибат ва ёшлик мавзуидаги қўшиқлари байрам тадбирига алоҳида файз бағишлади.

Ўз мухбиримиз.

ТАКЛИФНОМА ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?

Мулоҳаза

Ҳозир жаннатмонад ўлкамизда тўйлар авжига чиққан пайт. Тўй куни белгиланганидан бошлаб унга таклиф этишга киришилади. Бир қарашда унча-мунча нарсага эътибор қилавермайдиган халқимизнинг тўйга ким ва қандай таклиф этаётганига муносабати жиддий. Шу ўринда мавзуга оид қизиқ бир ҳангома ёдга тушади. Яқин қадрдонининг тўйига таклиф қилиб келган хабарчидан кўнгли тўлмаган бир киши унга қараб дебди:

— Тўйга айтгани бошқа тузукроқ одам йўқ эканми?

Ўзи ёш бўлса ҳам ҳозиржавобгина бўлган хабарчи саволга яраша шундай жавоб қилибди:

— Тузукроқ одамлар бор эди. Лекин улар тузукроқ одамларни айтгани кетишди-да!..

Бугунги кунда тўйга таклиф этишнинг усуллари кўп, лекин уларнинг асосий қисмини "Ассалому алайкум!" деган эҳтиром билан бошланувчи ҳар хил шаклдаги таклифномалар ташкил этади. Шу боис улардаги айрим мулоҳазали ўринларга тўхталиб ўтишни лозим топдик. Аслида "таклиф" сўзи араб тили орқали ўзлашган турли маъноларга эга бўлса-да, "таклиф қиламан", деган гапга мазмунан яқиндир. Ҳозир "таклифнома"ларнинг қуйидаги зарурий қисмларини ёзиш анъанага айланган: номи, матн, тадбирнинг ўтказилиш вақти, ўтказилиш жойи, таклиф этувчининг кимлиги. Энди шу зарурий қисмларга бугунги имло қоидалари талабидан келиб чиқиб ёндашсак, "таклифнома" сўзи баъзи чорлов қоғозларида кичик ҳарф билан бошланаётгани, айримларида ундан кейин нуқта, кўп нуқта, ундов белгилари қўйилаётгани тўғри эмас.

Аксарият таклифномаларнинг мурожаат қисмида қуйидаги хатоликларга йўл қўйилмоқда: уларнинг бир гуруҳида ҳали меҳмон бўлиб келмаган саволга яраша шундай жавоб қилибди:

— Тўйга айтгани бошқа тузукроқ одам йўқ эканми?

Ўзи ёш бўлса ҳам ҳозиржавобгина бўлган хабарчи саволга яраша шундай жавоб қилибди:

— Тузукроқ одамлар бор эди. Лекин улар тузукроқ одамларни айтгани кетишди-да!..

Бугунги кунда тўйга таклиф этишнинг усуллари кўп, лекин уларнинг асосий қисмини "Ассалому алайкум!" деган эҳтиром билан бошланувчи ҳар хил шаклдаги таклифномалар ташкил этади. Шу боис улардаги айрим мулоҳазали ўринларга тўхталиб ўтишни лозим топдик. Аслида "таклиф" сўзи араб тили орқали ўзлашган турли маъноларга эга бўлса-да, "таклиф қиламан", деган гапга мазмунан яқиндир. Ҳозир "таклифнома"ларнинг қуйидаги зарурий қисмларини ёзиш анъанага айланган: номи, матн, тадбирнинг ўтказилиш вақти, ўтказилиш жойи, таклиф этувчининг кимлиги. Энди шу зарурий қисмларга бугунги имло қоидалари талабидан келиб чиқиб ёндашсак, "таклифнома" сўзи баъзи чорлов қоғозларида кичик ҳарф билан бошланаётгани, айримларида ундан кейин нуқта, кўп нуқта, ундов белгилари қўйилаётгани тўғри эмас.

Аксарият таклифномаларнинг мурожаат қисмида қуйидаги хатоликларга йўл қўйилмоқда: уларнинг бир гуруҳида ҳали меҳмон бўлиб келмаган саволга яраша шундай жавоб қилибди:

— Тўйга айтгани бошқа тузукроқ одамлар

Сиймолар

ШИДДАТ

Ижодкор ва унинг асарларини дарахт ва унинг мевасига ўхшатиш мумкин. Бирор мева уни етилтирган дарахтдан ортиқ бўлолмагани каби бадиий асар ҳам унинг муаллифи даражасидан баланд бўлолмайди. Шу маънода, атоқли адиб Одил Ёқубов асарларидаги Улуғбек, Али Қушчи, Қаландар Қарноқий, Беруний, Маликул шароб, Ибн Сино, Нормурод домла, Суюн Бургут, Отақўзи сингари эътиқодидан қайтмас тимсоллар муаллиф шахсиятидан сувлангандир. Шунингдек, Шариф ва Муқаддас («Муқаддас»), Воҳид ва Розия («Тилла узук») Қулаҳмад, Салтанат ва Камол («Бир фельетон қиссаси»), Самиғ ва Матлуба («Матлуба»), Ҳикматилла, Бегимқул ва Нилуфар («Биллур қандиллар»), Акрам ва Сайёра («Қанот жуфт бўлади»), Марико («Қайдасан, Марико!») образларини яратиб, Одил Ёқубов миллий насрни ўзига хос қаҳрамонлар тасвири билан бойитди. Бу асарлардаги аксарият тимсоллар софлик ва самимиятни ифодаловчи қаҳрамонлардир. Улар ўз суйганларидан софлик ва ҳаққонийлик талаб қилишади. Бирда бу хусусиятлар улар ҳаётига мазмун бағишласа, бирда чигалликлар келтириб чиқаради.

Одил Ёқубовнинг барча асарларида ўқувчи диққатини ўзига тортиб турувчи сюжет тиғизлиги, китобхонни ўйлашга ундовчи сирлилик, воқелар ривожида шиддат бор. Унинг қаҳрамонлари шунчаки тирикчилик ўтказмайдилар, балки тўлиқиб яшайдилар. Бу асарларда инсоннинг чигал ва ҳамиша ҳам тушунарли бўлавермаган туйғулари тадқиқ этилган. Шунинг учун уларда севишганлар тақдири, келажакдаги ҳаёти сирлилигича қоладди. Айни шу сирлилик уларни ўқишли қилган.

Ижодининг илк даврида драмалар ёзган адиб ўттиз йил мобайнида саҳна асари яратмади. 90-йилларга келиб, у яна драматургияга қайтиб, соҳибқирон Амир Темур ҳаётининг сўнгги кунлари тўғрисида пиеса яратди. Бетакрор шахсияти ва жаҳоний зафарлари туфайли Амир Темур кўплаб асарларга қаҳрамон бўлган. Уларда, асосан, Соҳибқироннинг жангчи, арбоб, ҳукмдор каби қирралари ёритилган. О.Ёқубов "Фотиҳи музаффар ёки бир париваш асири" драмасида Амир Темурнинг бевосита ўзига дахлдор ишларда кўнгил майлларини жиловлаб яшагани, раият кўз ўнгида дину диёнатда бенуқсон инсон эканлиги жуда ишонарли акс этган.

2000 йилда ёзилган «Бир кошона сирлари» драмасида кечагина оддий дўкондор бўлган кўркам ва шаддод Дилора билан унинг қўлида ишлаган юкчи, эндиликда катта бойлик эгаси Сарвар ўртасидаги чигал муносабатлар тасвирланган. Кошонада ҳамма нарса бор, лекин турмуш нотинч. Асар воқеалари моддий бойлик билан маънавият, ўткинчи майллар билан асл туйғулар, боқий қадриятлар орасидаги зиддиятларга қурилган. Пиесада инсоний бахт учун ҳисобсиз моддий бойлик етарли бўлмаганидай, фақат истеъдод, ҳалолликнинг ўзи ҳам кифоя эмаслиги кўрсатилади. Драма воқеалари кошонадаги бадавлат хонадон ва уларнинг ён қўшниси бўлмиш камтар зиёлилар оиласида параллел кечади. Бир қарашда камтарона ҳаёт кечираётган покиза оила қўшни бадавлат оилага қарши қўйилаётгандай туюлади. Бироқ драматург бундай жўн йўлдан бормайди. Эру хотин зиёлиларнинг бой қўшниларга муносабати икки хил: эр Сарварлар турмушидан ҳазар қилади, хотин эса қўшнилари ҳам тушунилиши керак бўлган одамлар, деб ҳисоблайди.

Воқеалар давомида зиёлилар оиласида ҳам ички зиддиятлар намоён бўлади. Жарроҳ Дарвешали турмуш ўртоғи Гулнозани қанчалик севмасин, унинг кўйида телбаларча ёнмасин, бу дилбар аёлга тўкис бахт беролмайди. Улар — тирноққа зор. Гулноза ҳам эри ва устози Дарвешалини қанчалик ҳурмат қилмасин, қандайдир бегоналик туяди. Асарда бу ҳолатлар ошкор айтилмайди, улар илғаб олинади, ҳис этилади ва қандай ниҳояланиши юрак ҳовучлаб кутилади. Драмадаги барча етакчи персонажлар, аслида маънавий гўзал шахслар. Улар бахту эҳтиромга лойиқ.

О.Ёқубов — миллий романчиликни бир неча поғона юксалтиришга эришган ёзувчи. Унинг «Эр бошига иш тушса» (1969), «Диёнат» (1973), «Улуғбек хазинаси» (1974), «Кўҳна дунё» (1983), «Оққушлар, оппоқ қушлар» (1988), «Адолат манзили» (1997), "Осий банда" (2007) каби романларида турли замонларга мансуб қаҳрамонларнинг руҳий олами, маънавий дунёси, изтиробу қувончлари самимият билан акс эттирилган. Ёзувчи ижодидаги дастлабки йирик асар — «Эр бошига иш тушса» романида иккинчи жаҳон уруши даврида фронт ортидаги ўзбек қишлоқлари ҳаёти, Машраб, Қўчқор, Гулчеҳра, Муяссар, Барно, Эртоев каби қатор образлар ҳаётий ва бадиий мантиққа мувофиқ тасвирлаган. О.Ёқубов роман қаҳрамонларини «йўриғига» солмайди, уларга ўз қарашини ўтказишга уринмайди, балки ўз ҳолига мувофиқ тасвирлайди. Романда чинакам ўғил болалар бошига иш тушганда, жуда тез етилиб, кўпчиликнинг корига ярайдиган кишиларга айланиши шўх эспиринлар тақдири мисолида жонли тасвирланади.

Шўро даври адабиётида ўзбошимча раҳбар образи кўп яратилган, уларнинг аксарияти нуқул салбий хусусиятлар қоришмасидан иборат қилиб кўрсатилган. О.Ёқубов бу йўлдан бормади. "Диёнат"да Отақўзи табиатида ҳам кучли, ҳам ожиз томонлари бор тирик одам тарзида тасвирланган. Унинг фикрлари соғлом, билим доираси кенг, ишлаб чарчамайди, катта ташкилотчилик қобилиятига эга. Аслида дилкаш ва танти бу қаҳрамон манфаатига зид келиб қолса, ҳақиқатнинг юзига оёқ қўяди, кўзлаганига эришиш йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди... Ёзувчи Отақўзи тимсолини тасвирлашда меъёрни сақлайди, унинг табиатидаги инсоний хусусиятларни ҳам кўрсатади. Унинг домла вафот этгандан кейинги ҳолатлари, фикр-ўйлари, айниқса, табиий ва ҳаяжонли акс этган.

Асарда Нормурод домла ҳаёти ҳам маҳорат билан тасвирланган. Домла — табиатан ҳалол ва тўғрисўз. Бу хусусияти домланинг жияни Отақўзига қарата: «Нега энди мен... қариган чоғимда... сенинг ўғлингни деб, виждонимга қарши иш тутар эканман», деганида якқол намоён бўлади. У Отақўзининг қишлоқдаги бошқа ножоиз ишларига ҳам қарши чиқади. Муаллиф Нормурод домла образига хос етакчи фазилатлар: диёнат, ҳалоллик, эътиқоднинг жозибасини, таъсир кучини, қудратини кўрсата олган. Домла — адоқсиз мусибатлар гирдобида қолган шахс бўлсада, ночор кимса эмас. Адолатпарвар, диёнатли бу одам қаршисида ҳар қандай нопок шахс ўзини ожиз сезади. Романда инсон диёнат ва хиёнат оралиғида умр кечириши, агар имонга дарз кетса, киши хиёнат томон оғиб кетиши ҳеч гап эмаслиги Отақўзи тақдири мисолида кўрсатиб берилган бўлса, ҳалол одамлар ҳаёт тарзи Нормурод Шомуродов сиймосида ҳаққоний акс эттирилган.

«Улуғбек хазинаси» романи туркий адабиётларнинг умумий ютуғи бўлган асардир. Роман олим ва шоҳ Мирзо Улуғбек қирқ йил давомида яратган ва тўплаган бойлик бўлмиш китобларни, унинг илмий мактаби вакилларини асраб қолиш йўлидаги воқеа-ҳодисалар тасвирига бағишланган. Аммо бу воқеаларни кўрсатиш адиб учун бош мақсад бўлмай, Улуғбек, Али Қушчи, Мавлоно Муҳиддин, Абдуллатиф, Салоҳиддин Заргар, Қаландар Қарноқий, Хуршидабону образларига хос жиҳатларни тасвирлаш учун фон вазифасини ўтайди. Бу қаҳрамонлар табиатига хос жиҳатлар, уларнинг ички дунёларини очиш жараёнида Улуғбек даврининг бадиий тарихи яратилади.

Ёзувчи романда тарихда бўлиб ўтган воқеаларни қайд этишга эмас, балки тарихий шахсларнинг руҳий оламини очишга эътибор беради. Абдуллатиф табиатидаги падаркушлик илдизини унинг ўз отасига қарши қайфиятдаги мутаассиблар таъсирида тарбияланганида кўради. Абдуллатифни тахт йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган қонхўр одам сифатида эмас, балки ўқимишли, синчков, истеъдодли, жасур, аммо ўзини отаси томонидан қадрланмаган ўғил деб биладиган шубҳакор шахс тарзида тасвирлайди. Бу ҳолат Абдуллатифнинг Улуғбекка айтган: «Балли Сиздай падарга! Сизнинг яхшилигингизни билурмиз. Тарноб жангида жонбозлик кўрсатган ким? Мен! Аммо музаффар ёрлиғи кимнинг номига битилди? Суюкли фарзандингиз Абдулазиз... Ихтиёридин қалъасидаги бобом Амир Темурдан қолган тилларимни тортиб олган ким? Яна сиз, валинеъмат падарим! Не чора? Муте фарзанд индамай бош эгдик ва лекин бас! Соҳибқирон олтинларини қайга яширдингиз, соябони марҳамат?» сўзларида яққол кўзга ташланади. Муаллиф Абдуллатифнинг хатти-ҳаракатлари сабабини очишга, унинг саъжиясидаги кўздан яширин жиҳатларни тасвирлашга эътибор қаратган.

Улуғбек шахсиятига доир чизгиларни беришда ёзувчи ёлғиз оқ ранглардан фойдаланмай, уни оғир ўйлар гирдобида қолган шахс сифатида кўрсатади. У Али Қушчи билан суҳбатда: «Мирзо Улуғбекдай қоинот сирларини очмоқни тилаган, фозилликни даъво этган мавлоно, ҳайҳот, охир-оқибат барча шоҳ, барча тахт соҳибларидай салтанатни деб ўз пушти камаридан бўлган фарзанди ила тахту тож талашибди-да, деган ном қолдиришдан қўрқамен», дейди. Бу тасвирда узоқни ўйлайдиган мутафаккир тийнати намоён бўлади. Абдуллатиф билан баҳсда эса Улуғбек табиатидаги бошқа жиҳат яққол очилади: «Ота сўзини амри вожиб деб билурсанми, йўқми, ихтиёр сенда. Ва лекин сўзимни насиҳатимни эшит, хоҳла ўз падарингни қатл эт, хоҳла Мовароуннаҳр сарҳадидан ҳайдаб, дарбадар қил, боз ихтиёр сендадур. Лекин ёлғиз тилагим: илм йўлида отанг қилган ишларга, унинг шогирд ва устозларига тегмагайсен. Тегсанг, ...ота қарғишига учраб тоабад бадном бўлурсен!. Ота рози — худо рози, ёдингда бўлсин: ал қасосил миналҳақ! Ҳеч бир ёмонлик интиқомсиз қолмайдур! Сенга айтадурғон бошқа сўзим йўқ! Чақир ясовулингни!». Бу тасвир ўқувчи кўз олдида бир умр ҳукмфармонлик қилган ёвқур темурийни гавдалантиради. Фозил ота ва тахтпараст ўғил ўртасидаги шиддатли тўқнашувлар асосида уларнинг характерларидаги фазилат ва иллатлар намоён этилади.

Адиб сиртдан шафқатсиз ва адолатсиздай кўринган ҳаётнинг, аслида, ғоят адолатли ва меҳрибон эканлигини асардаги деярли барча қаҳрамонлар қисмати мисолида яққол кўрсатиб беради. Роман ўқилгач, Улуғбекнинг хазинаси фақат у йиққан китоблардангина иборат эмаслиги, бу хазина, аввало, одамлар орасидаги адолат, имон, эътиқод, ҳалоллик сингари қадриятлар экани, бу ганжина ҳеч қачон йўқолиб кетмаслигига ишонч ҳосил қиламиз.

О.Ёқубовнинг олам ҳодисалари ва одамнинг моҳияти ҳақидаги изтиробли ва залворли ўйлари «Кўҳна дунё» романида ўзгача бир йўсинда акс этган. Бу асар нафақат адиб ижодида, балки ўзбек миллий романчилигида тамомила ўзига хос ҳодиса. Муаллиф турлича табиатли шахслар қисмати мисолида инсон, унинг ҳаётдаги ўрни, тақдир, адолат, ҳақиқат тўғрисидаги фалсафий қарашларини ифодалаган. О.Ёқубов "Кўҳна дунё"да инсон ҳаётининг маънисини англамоқчи бўлган мутафаккир сифатида кўринади. Зеро, кўҳна дунёнинг чигаллиги, тушунарсизлиги ҳайратга солади. Бу дунёда асл қолиб, кўпинча, сохта нарса эътибор топади, яхши эмас, ёмон эзгу ва олижаноб, деган ном чиқаради.

Ёзувчи талқинидаги дунё ва одамлар бир қатламли, бир таркибли эмас, улар ғоят мураккаб ва ўта чигал тўқималардан иборат. Шунинг учун ҳам қиличидан қон томган султон тимсоли ҳам ўқирманни нафратлантирмайди, ачинтиради. Умрида бирор кишига яхшилик қилмаган ёвуз Пири Букрийга кишининг раҳми келади. Муаллифнинг маҳорати шундаки, у Ғазнавийдай ҳукмдорни гоҳ шафқатсиз жаллод, гоҳ ожиз банда, гоҳ кўнгли бўш одам сифатида тасвирлайди ва ўқирманни бунга ишонтиради.

Романдаги Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Ғазнавий, ибн Шаҳвоний, Али Ғариб, Абу Ҳасанак, Амир Масъуд, Хатлибегим образларининг талқини ўзбек адабиёти учун янгилик бўлди. Чунончи, ёзувчи ибн Синонинг қанчалик буюк табиб эканлигини кўрсатиш сингари одатий йўлдан бормайди. У табибнинг тенгсизлигини эмас, балки кўҳна дунёнинг ўйинлари тушунарсизлигини тасвирлашни мақсад қилиб қўяди. Машҳур табибни топиш чўзилиб кетганидан қўрққан вазирлар: Али Ғариб ва Абу Ҳасанак шоҳга олғир ва шухратпараст табиб Шаҳвонийни ибн Сино деб рўпара қилишади. Шоҳнинг касалини ҳам, уни даволаш йўлини ҳам билмаган Шаҳвоний унга тинмай афюн беради. Афюн таъсирида шоҳ маълум муддат оғрикдан қутулади. Адиб касал шоҳ, айёр аёнлар ва муттаҳам табиб муносабатларини кўрсатиш орқали дунёнинг азалий тартибини ўзгартирий юборадиган манфаатпарастлик, фойдахўрлик, ёлғончилик, сохтакорлик сингари иллатлар инсон табиатига бу қадар чуқур ўрнашиб қолганлигининг сабабларини тадқиқ қилишга уринади.

Кўҳна дунёнинг ишлари, кўпинча, кутилмаган ўйинлардан иборатлиги шундаки, шоҳнинг синглиси Хатлибегим бошчилигида чин Ибн Сино топтириб келинганда, муттаҳам Шаҳвоний ҳам, ёлғончи вазирлар ҳам, энг даҳшатлиси, табибдан нажот кутаётган султоннинг ўзи ҳам уни тан олишмайди, сохта ва товламачи сифатида саройдан чиқариб юборишади. Кўриниб турган ҳақиқатни қабул қилдириб бўлмаслиги бу эски дунёнинг адолатими ёки адолатсизлигими? Одамзод бундай ноҳақликлардан қачондир қутула оладими?.. Ёзувчи саволлар қўяр экан, уларга жавоб беришни даъво қилмайди. Роман ўқувчиларни шулар ҳақда ўйлашга ундайди.

Ижодидаги алоҳида босқич бўлган «Кўҳна дунё» асарида Ғазнавийни бирда қонхўр ва шафқатсиз шоҳ, бирда меҳрибон инсон, тадбирли сиёсатчи сифатида кўрсатар экан, ёзувчи унинг руҳий оламини теран очишга эришади. Асарда руҳий ҳолатлар ўта шиддат билан ўзгариб туради. Унда сирлилик, жумбоқ, тушунарсизлик кўп. Аслида, инсон ҳаётининг ўзи бошдан-охир жумбоқдан иборат. Шунинг учун ҳам роман сўнгида ибн Сино айтган: «Ибн Шаҳвоний тақдири азалнинг ажаб жумбоғи. Бу жумбоқни донолар ҳам ечишга ожизлик қилур!» тарзидаги хулосада романнинг пафоси ифодаланган.

Замонавий ўзбек адабиёти, айниқса, миллий романчилик тараққиётига улкан ҳисса қўшган адиб Одил Ёқубовнинг шиддатли руҳий тўқнишлар зарбидан олов чақнаган зиддиятли ҳолатлар акс этган ёниқ асарлари миллат маънавиятини поклаш йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Қозоқбой ЙЎЛДОШ,
профессор

АСЛИЯТГА ҲАМОҲАНГ

Таржима — юксак санъат

Улуғ инглиз драматурги Вильям Шекспир асарларига қизиқиш бизда XX аср аввалида бошланган. Шекспир асарларини ўзбекчага ўгиришни биринчилардан бўлиб Чўлпон бошлаб берган. Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода унинг қатор драмаларини, сонетларини она тилимизга таржима қилган.

В.Шекспир трагедиялари билангина эмас, сонетлари билан ҳам машҳур. Унинг сонетлари трагедиялари сингари инсоннинг зиддиятларга макон қалби, аччиқ қисмати ҳақидаги ҳикматларга бой. Ҳозиргача Шекспирнинг 154 та сонети маълум. Мақсуд Шайхзода улардан айримларини, Юсуф Шомансур эса барчасини тилимизга таржима қилган. "Мирзо Улуғбек" асари муаллифи бу ишга 1965—1966 йилларда жазм этган бўлса, Ю.Шомансурнинг таржималари 1978 йили алоҳида китоб ҳолида нашр этилган. Ҳар иккала шоир бунда Шекспир сонетларининг Самуил Маршак амалга оширган русча таржимасига таянишган. Орадан ўттиз йил ўтиб, инглиз мутафаккирининг сонетларини Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол аслиятдан ўзбек тилига ағдарди (Вильям Шекспир, Сонетлар, Тошкент, "Vektor-Press" нашриёти). Аслиятдан амалга оширилган ушбу таржима аввалги таржималар билан таққосланса, жиддий фарқлар сезилади. Бу тафовут сонетларнинг ҳар бир сатрида, уларнинг маъно-мазмунида яққол билинади. Зеро, ўртада бошқа бир тил воситачилик қилганида ҳар қандай асар муайян даражада жозибасини йўқотади.



Сонетлар

Шекспир сонетларининг русчадан қилинган таржимасини аслиятдан ўгирилгани билан таққосланса, М.Шайхзода ва Ю.Шомансурни С.Маршак таржимаси бир қадар "қолип"га солиб қўйгани, улар русча матн доирасида ҳаракат қилишгани аёнлашди. М.Шайхзода ҳам, Ю.Шомансур ҳам Шекспир сонетларининг русча таржимасидаги маъно-мазмунини очиб беришга ва ўша шаклни сақлашга эришишган. Ж.Камол таржимаси эса сонетлар маъносининг айрим қирралари русча таржимада эътибордан четда қолганини кўрсатади.

Ю.Шомансур ва Ж.Камол таржималари қиёсланганда ҳар иккала шоир ҳам сонетларнинг мазмунини ифодалашга интилгани, қўшимча мисралар киритмагани аён бўлади. Лекин, айни чоғда, русчадан ва аслиятдан амалга оширилган таржималарда жиддий фарқлар борлиги билинади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун тўпламдаги биринчи сонетнинг илк бандини ёнма-ён қўйиб қиёсладик.

Жамол Камол таржимаси:

Истаймиз, гўзаллар бўлсин зиёда,
Гўзаллик барқ уриб, яшнасин абад.
Атиргул қовжираб тўкилган онда
Нозик гулгунчаси очилсин фақат.

Юсуф Шомансур таржимаси:

Гўзаллик барқ урсин, сўлмасин, дея
Аъло новдалардан кутамиз ҳосил.
Қариган гул баргин тўкса майлига,
Кетидан гунчалар ёзажақдир гул.

Таржималар маъно-мазмуни жиҳатидан муайян даражада бир-бирига яқин. Лекин маъно ифодаси жиҳатидан фарқланади. Мисралар қиёсланиб, бандлардаги мазмун солиштирилса, бу жуда аниқ кўринади.

Таржималар бадиийлик даражаси, таъсирчанлиги жиҳатидан таққосланганда, Ж.Камол таржималарининг устунлиги сезилади, чунки уларда Шекспир асарларига хос мазмун теранлиги, жўшқин руҳ сақланган, қофиялар жарангдор. Таржимон сонетларда лирик қаҳрамоннинг изтиробли кечинмалари, нозик ҳиссиётларини таъсирчан ифодалашга эришган.

Шекспир сонетларида ёр жамоли мадҳ этилиб, ошиқнинг дардли илтижолари баён қилинади. Улар айни шу жиҳати билан Шарқ шеъриятига ҳамоҳанг. Ҳофиз, Румий, Жомий, Навоий сингари Шарқ мумтоз адабиёти намояндалари шеърияти марказида ҳам ёр образи туради. Шекспирнинг аксарият сонетларида ҳам ёрга мурожаат, илтижо асосий ўрин тутади. Ж.Камол таржимасида сонетлар мазмунига сингиган ана шу хусусият яхши ифодаланган.

Шеърий асар таржимасида таржимон муаллифнинг измида юриши қийин. Айниқса, ўзаро узоқ бир тилдан иккинчисига таржима қилиш баъзан ўтиб бўлмас тўсиқларни юзага келтиради. Адекват таржимада бир тилдаги маънони иккинчисига кўчириш ҳамда сонетнинг вазн, ҳижо, туроқ, қофия сингари талабларига риоя этиш жиддий мушкулликлар туғдиради. Шекспир сонетларни аслиятдан ўзбекчалаштиришда мутаржим ана шундай тўсиқлардан муваффақият билан ўтганини таъкидлаш керак. Бунга ўша таржималарининг инглиз тилига қайта таглама таржимаси асосида ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Масалан, Шекспирнинг биринчи сонети биринчи катрени дастлабки икки мисраси аслиятда қуйидагича:

From fairest creatures we desire increase,
That thereby beauty's rose might never die...

Унга Ж.Камол таржимасининг инглизчага тагламаси анча яқин:

Истаймиз, гўзаллар бўлсин зиёда,
Гўзаллик барқ уриб, яшнасин абад.

(We want the beauties to get more beautiful,
Let the rose flourish and never die).

Тўғри, ушбу сонетнинг Ж.Камол таржимасидаги сўнгги мисраларини тўла адекват, деб бўлмайди. Бироқ у аслиятга яқин, унинг маъносини ифодалайди. Ўзбек тилида ушбу сонет матнидаги "beauty`s rose" сингари баъзи ибораларга мос ибора учрамайди. Сонетнинг аслиятида ушбу ўринда "баҳор" сўзи вазн талабларидан келиб чиқиб, эпитетсиз ишлатилади.

Шекспир сонетларидаги асл мазмун, руҳни бера олгани билан мутаржим тилимизнинг имкониятлари бениҳоя кенглиги, ўзбек тили инсон ҳолати, кечинма, ҳиссиётларига хос жамики нозикликларини жуда аниқ акс эттира олишини намоён этган.

Шекспир сонетларининг ўзбек тилидаги таржималарини таққослаш шуни кўрсатадики, таржима жўн иш эмас, балки машаққатли изланишдан иборат ижодий жараёндир. Таржимада нафақат муаллифнинг, балки таржимоннинг ҳам ижодкорлик маҳорати акс этади. Ж.Камол сонетларни ўзбекчалаштиришда аслият мазмунини чуқур англаган ва инглизча сўзларнинг тилимиздаги энг муқобилларини топа билган. Зеро, инглиз тили дунёдаги энг бой тиллардан бири. Бу тилда ҳам битта сўз, худди ўзбек тилидаги каби, бир неча маънони билдиради. Баъзи сўзлар қандай маънода қўлланганини матн билан тўла танишиб чиқмагунча билиб бўлмайди. Агар таржимон ўзбек ва инглиз тилидаги сўзларнинг маъноларини илғамаса, у улуғ мутафаккирнинг теран мазмунли сонетларини жўнлаштириб қўяди.

Шекспир даҳоси ҳали кўплаб ўзбек шоирларию таржимонларни ўзига жалб этаверади. Келажакда улуғ ижодкор сонетларининг янада равон, янада адекват таржимаси пайдо бўлишига шубҳа йўқ.

Сайёра РАҲМОНОВА,
филология фанлари номзоди

ЯНГИ ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН

Матншунослик муаммолари

Кўп йиллик анъанага кўра, 27 сентябр — ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг таваллуд куни унинг уй-музейида қаҳҳоршунос олимлар, адабиёт ихлосмандлари тўпланишди. У ерда қизғин давра суҳбати билан бирга китоб тақдимоти ҳам бўлди. Музей илмий жамоатчилиги Абдулла Қаҳҳорнинг "Ўтмишдан эртаклар" қиссаси илмий-танқидий матнини яратган ва чоп эттирган эди ("Тамаддун" нашриёти, Т., 2011). Ушбу қувончли ҳодиса зиёратчилар олқишига сазовор бўлди. Китобнинг кириш мақоласида XX аср ўзбек адабиёти намояндаларидан ҳеч бири асарининг шу кунгача илмий-танқидий матни яратилмагани таъкидланган. Ҳақиқатан ҳам, бу ҳозирги замон ўзбек адиблари асарларининг илмий-танқидий матнларини яратиш соҳасидаги биринчи тажриба бўлиб, унинг амалга оширилиши таҳсинга сазовордир. Шубҳасиз, бундай тажрибани мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва давом эттириш зарур.

Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий лабораторияси илмий-танқидий матн яратиш ишига катта имконият берган. Чунки ёзувчининг уй-музейида "Ўтмишдан эртаклар" асарининг ислоҳ қилинган эски ўзбек ёзувида битилган бир неча варианти мавжуд. Илмий-танқидий матн ижодкорлари мазкур нусхаларни қиёсий таҳлил этишган ва улардан учтасини таянч нусха сифатида танлашган. Илмий-танқидий матн тузиш жараёнида ана шу уч нусхага таянилган. Булар: Қ1 — "Ўтмишдан эртаклар" қиссасининг эски ўзбек ёзувидаги биринчи қўлёзма нусхаси; Қ2 — "Ўтмишдан эртаклар" қиссасининг эски ўзбек ёзувидаги иккинчи қўлёзма нусхаси; Қ3 — "Ўтмишдан эртаклар" қиссасининг рус (кирилл) ёзувидаги, машинкаланган учинчи нусхаси. Китобда ушбу нусхага нисбатан ҳам "қўлёзма дастхат" ибораси ишлатилган. Қўлёзма деб ўз маъноси билан қўлда ёзилган ишга айтилади. Модомики, иш машинкаланган экан, уни қўлёзма деб аташ ўринли эмас. Тўғри, бу нусха муаллиф томонидан ёки унинг иштирокида, назоратида машинкаланган ёки муаллиф машинкаланган нусхани кўрган, текширган бўлиши мумкин. Агар шундай бўлган тақдирда ҳам, бундай нусхага нисбатан "қўлёзма" эмас, балки "автограф" терминини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Илмий-танқидий матн ижодкорлари иш жараёнида "Ўтмишдан эртаклар" қиссаси таркибидаги "Худо" ҳикоясининг муаллиф томонидан ўқилган овозли (магнит тасма) ёзуви, асарнинг 1966 йилдаги нашри, ёзувчининг олти жилдли асарлари (1967) таркибидаги нашри, беш жилдли асарлари (1988) таркибидаги нашридан ҳам фойдаланишган. Хуллас, манбаларнинг кўплиги ва мукаммаллиги илмий-танқидий матн вужудга келишига катта асос, имконият берган. Афсуски, ҳамма адибларимизнинг ҳам ижодхонасида қўлёзмалар, айниқса, бир неча нусхада сақланмаган. Фараз қилинг, "Ўтмишдан эртаклар"нинг қўлёзма нусхалари "ўз вазифасини ўтаб бўлган", деган андиша билан йўқотиб юборилганида, ҳозирги илмий-танқидий матнни бунёд этиб бўлармиди? Бунинг учун биз — ворислар зарур имкониятни асраб-авайлаб сақлаб қолган Абдулла Қаҳҳордан ҳамда унинг умр йўлдоши, улкан адиб меросининг жонкуяри ва муҳофизи Кибриё Қаҳҳоровадан миннатдор бўлишимиз керак.



Илмий-танқидий матнинг асосий тузувчиси филология фанлари номзоди Отабек Жўрабоевдир. Унинг томонидан китобга яхшигина сўзбоши мақола ёзилган. Илмий-танқидий матн — матнсти изоҳларига бой. Изоҳларда ҳар бир жумла, сўз ва ҳатто ҳарфнинг манбаларга аро фарқи кўрсатилган. Бу — жуда яхши. Матнлар орасидаги тафовутлар А.Қаҳҳор асарларининг бадиий тил хусусиятларини ўрганишга, ёзувчининг ижодий такомил жараёнларини тадқиқ этишга ёрдам беради. Адиб ўз асарлари устида қанчалар эътибор, синчковлик билан ҳормайтолмай ижодий меҳнат қилганини кўрсатади. Шу билан бирга, илмий-танқидий матнда бир қанча нотаниш сўзлар учрайдики, улар тушунарсиз, изоҳталаб. Зеро, қиссанинг оммабоп нашрларида ҳам бу сўзларга изоҳ берилмаган. Хусусан, қуйидаги сўзлар изоҳлаб ўтилса, яхши бўларди: қулантаёқ, кизаги, ваҳмак, арвак, ҳасти, қўшноч, доскалла, аштархон гилос, сариқ сўпиён, тарҳашлик, пояки, сепсилди, семун, зихнов. Бу бизнинг истагимиз, албатта. Эҳтимол, ушбу сўзларни изоҳлаш илмий-танқидий матн тузувчисининг вазифасига кирмас ҳам.

Дарвоқе, айрим сўзларгагина ёзувчининг ўзи томонидан берилган матнсти изоҳи мавжуд. Масалан, *песа — чала пишган, думбул ўрик.*

Илмий-танқидий матнда адабий тилимиздаги жуда кўп сўзлар Абдулла Қаҳҳор нутқи шаклланган Кўқон шевасига мансуб шаклда ифодаланган: дўкан, ҳалво, қачан, юмалмаятипти, қатиб-қатиб, бўлашиб, турал-мади, икав, урмакчи, турмакчи, буво, момоз, довуш, махтов, похса, андақ, қишлақ, унуткан, фанд, саксан, қўялмайман, олипти, боғга, турпоқ, еталмас, томаша, Бувойди, тўппослай берипти, қайната, кетман, каттакан, пошшолик, кундаш, ишанди, қадақ, ҳожи тўппи, чиқаралмапти, арзиқип, жавдираб, ёталмай, ўткан, андижан, халос, ярақ кабилар шу жумладандир. Булар А.Қаҳҳорнинг тил ва услуб хусусиятларини ўрганишда асқотади. Ушбу маълумотдан келиб чиқиб, А.Қаҳҳор шевада ёзган экан-да, дея хулоса чиқариш мумкинми? Бу — XX аср ўзбек миллий прозаси тил ва услуби шаклланишининг тарихий-тадрижий жараёнлари билан боғлиқ ҳодиса. Ҳали замонавий ўзбек миллий прозаси шакл ва услуб жиҳатидан тўла шаклланиб сайқал топмаган эди.

Илмий-танқидий матнда жуда кўп имловий хатолар учрайди. Улар икки хил хусусиятга эга: 1.Қисса муаллифи А.Қаҳҳор томонидан йўл қўйилган имловий хатолар. 2.Илмий-танқидий матн тайёрловчиси томонидан йўл қўйилган имловий хатолар. Таассуфки, бу иккала турдаги имловий хатолар ўзаро шундай қоришиб кетганки, уларни унча-мунча мутахассис филолог ҳам ажратиб олиши қийин ва, табиий равишда, А.Қаҳҳорнинг саводхонлиги ҳақида шубҳага бориши мумкин. Асл матндаги хатоларга қараб А. Қаҳҳорнинг саводхонлигини шубҳа остида қолдириш нотўғри, назаримизда. А.Қаҳҳор тил ва имлога нисбатан жуда ҳушёр муносабатдаги ижодкор эди. Бу ҳам замонавий миллий имломизнинг тарихий шаклланиши жараёни билан боғлиқ ҳодиса. "Ўтмишдан эртаклар" қиссаси 1965 йили ёзиб тугалланган. Бу давргача ҳозирги ўзбек адабий тилининг мукаммал имло қоидалари қабул қилинмаган эди. Яъни, адабий-бадиий тилимизнинг саводхонлик асослари етарли ишлаб чиқилмаганди. Бинобарин, А.Қаҳҳорнинг асар яратилганидан ўн йил кейин — 1976 йили тугал саводхонлик асосида қабул қилинган ўзбек адабий тилининг имло қоидаларига мувофиқ равишда асар ёзиши имкондан ташқари ҳолат эди. Ёзувчининг жорий рус (кирилл) алифбосида эмас, балки ислоҳ этилган эски ўзбек ёзувида ижод этгани ҳам бундан мустасно эмас. Бундан ташқари, бизнингча, матншунос бошқача иш тутиши, яъни китобда илмий-танқидий матннинг саҳиҳ матнини бериб, сўзларнинг нуқсонли вариантларини матнсти изоҳларида ифодалаши ҳам мумкин эди.

Илмий-танқидий матн тайёрловчиси томонидан йўл қўйилган имловий хатолар жуда кўп ва ниҳоятда ибтидоий шаклларда учрайди. Илмий-танқидий матн бундай ахволда чоп этилишининг сабаби оддийгина. Китобга мусаҳҳиҳ белгиланмаган. Илмий-танқидий матнни ақалли бир марта бирорта "бегона кўз" ўқиб чиқмаган.

Яна бир нозик масалада мулоҳаза билдирмасликнинг иложи йўқ. Бу — китобнинг муаллифлиги масаласи. "Ўтмишдан эртаклар" қиссаси, унинг вариантлари ва ҳатто илмий-танқидий матни ҳам Абдулла Қаҳҳор қаламига мансуб. Лекин китобнинг муқовасида муаллифнинг исм-фамилияси йўқ. Китобни қўлига олган одамда шундай илк эътироз уйғонади: "Китоб Абдулла Қаҳҳорники бўлса-ю, муқовада унинг номи бўлмаса-я?!". Муқовада: "Ўтмишдан эртаклар" қиссасининг илмий-танқидий матни ва илк варианти. Тайёрловчи: Отабек Жўрабоев" ёзувлари бор, холос. Таомилдаги қоидага мувофиқ қисса муаллифи А.Қаҳҳорнинг исм-фамилияси муқовада акс этиши, илмий-танқидий матн тузувчисининг исм-фамилияси эса ички титул варағида ифодаланмоғи тўғри бўларди. Бу қоида илгари яратилган илмий-танқидий матнлар нашрларида қатъийлашган эди. Мана, мисол учун, Алишер Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достони илмий-танқидий матни нашри. Муқовада: "Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр". Ички титул варағида: "Алишер Навоий. Хамса: Ҳайрат ул-аброр. Илмий-танқидий матн. Тузувчи: Порсо Шамсиев" ("Фан", Тошкент, 1970).

Китоб охирида инглиз ва рус тилларида берилган қисқача аннотация қуйидагича сарлавҳаланган: "Книга кандидата филологических наук О.Р.Джурабаева "Научно-критический текст и первый вариант повести "С

Жиянбой ИЗБОСГАНОВ,
Қорақалпоғистон халқ шоири

ЙИЛЛАР ЎТГАН БИЛАН КЎНГЛИМ ЎШАДИР

ЯХШИ ТИЛАК ТИЛАНГ

Яхши тилак тиланг, ёру биродар,
Ширин орзу-армон доим бор бўлсин.
Севгилим, меҳрингдан меҳрим нур олар,
Бизга тангримизнинг ўзи ёр бўлсин.

Лабларинг гул эди, кўзларинг қаро,
Қанча йиллар ўтди ҳижронинг аро,
Сочимиз оқарди кузда тобора,
Бошимиз қишда ҳам қалин қор бўлсин.

Ҳаётинг бўстондир, гулзор гўшадир,
Ҳижрон дарахтидан япроқ тушадир,
Йиллар ўтган билан кўнглим ўшадир,
Ҳар бир қадамингга оғанг зор бўлсин.

Шукурким, умрдан ризқ-насибам бор,
Худодан қарзимга эрурман иқрор,
Ҳаёт қонунини айлаб барқарор,
Бизлар кетган билан дунё бор бўлсин!

* * *

Сенга, олисларда қолиб кетган қиз,
Қирқ йиллик дардимни айтсам, деб эдим.
Сен учун, ушбу кун қадринг ўттан қиз,
Ўн саккиз ёшимга қайтсам, деб эдим.

Қайда ўшал йиллар армони — хатлар,
Кузги япроқлардай тўкилган доллар?
Бу қандай тебраниш? Кўнглим қанотлар!..
Ўн саккиз ёшимга қайтсам, деб эдим.

Дунёнинг адоғсиз ҳасрат-дардлари,
Кўнглимга ботганда берган пандлари,
Азизам, сиримни ёйиш шартмиди?
Ўн саккиз ёшимга қайтсам, деб эдим.

Афу эт бандангни, эй Тангрим, дерман,
Шоирнинг қисмати доимо армон!
Юрак чўққисидан кетмас қор — ҳижрон,
Ўн саккиз ёшимга қайтсам, деб эдим.

* * *

Океанда улкан айсберглар
Туманларда обдон музлайди.
Тўқнашса ҳам "Титаник" агар,
Синмайди ҳеч, синин бузмайди.

Эримайди нур тушганда ҳам,
Улар менинг кўнглимдаги ғам.
Ҳаётимнинг "Титаник"лари
Урилади унга дам-бадам.

Музлайди дард. Ўхшар пичоққа —
Ўткир тиғлар кўксимга ботар.
Қотиб қолганидан юракда
Айсбергларим суришиб ётар...

* * *

Бўларман деб эдим сенинг булоғинг.
Ишонгил! Сен учун оқмайман энди.
Бир бора қайрилиб боқмайман энди,
Савил қолдирса ҳам мени фироғинг.

Туйғум майсалари қураб эзилди,
Қайтиб келмас, ахир, кўклам биз учун.
Сўнги умидимдан айрилдим бугун,
Ишқим армон бўлиб қолади энди.

ПУШАЙМОН

Тилимни тиймабман — дил топди озор,
Дилимни қийнабман — зил топди озор,
Ундаги бир нафис гул топди озор,
Афу этарсанми, яратган Эгам?

Нафснинг итлари бости тузимни,
Ёки ёғ босдими икки кўзимни —
Ўзимни ўйладим, фақат ўзимни,
Афу этарсанми, яратган Эгам?

* * *

Бу ҳаёт ўтаётир
Биз билан ёқалашиб.
Қайғуси кетаётир
Шодликка аралашиб.

Ўйландим, оқил бўлдим,
Сабоғи бошга тегиб.
Баъзида ғофил бўлдим,
Манглайим тошга тегиб.

Дўст бўлсин жондай бўлсин,
Кўп одам мендай эмас.
Мен каби қандай бўлсин? —
Беш бармоқ тенгдай эмас.

* * *

Оқил айтди демагин:
Билмайсан-ку ҳали сен —
Яқин деган жўранинг
Икки юзи бўларин...

Ундайлардан қочиб юр,
Ҳам орангни очиб юр.
Ютқазсанг ҳам, ёнсанг ҳам,
Ёлғиз ўзинг қолсанг ҳам.

* * *

Боғлар агар қуриб қолган бўлмаса,
Ҳар йил мева солар. Сени нетамиз?
Юрагингда орзу-армон бўлмаса.

* * *

У соввуққон бўлса ҳам, майли...
Не ишим бор, десам ҳам, бироқ
Туни билан уйқум келмайди...

* * *

Кузни сўнгги ойларининг тумани —
Фалакнинг гардиши, тақдир ҳақида
Оғир ўйларимнинг қат-қат гумони...

Қорақалпоқчадан
Рустам МУСУРМОН таржимаси.

ХУРШИДА

ТОНГГИ НАСИМ КАБИ МУСАФФО

* * *

Тағин кирибди ой тушимга,
Ишқи пинҳонмикан ботинда?
Ер-кўк қадар кўп масофани
Зумда босиб ўтади тунда!?

Ҳавасланар дунёлар ғариб,
Ҳайратланар хаёллар дайди.
Дилда эса аллақандай ҳис
Бу ҳол сиррин мендан сўрайди...

Тонг энтикар ажиб тўлғониб,
Кун бағрида узун хўрсиниқ.
Термулади ўғринча қуёш,
Ойнинг юзи сутдайин тиниқ!..

Ҳаваслардан, дунё, юр нари,
Ҳайратларга тўлма, ер-фалак!
Ҳаддим сира сиғмас, ой нури
Берса ҳамки ишқидан дарак!..

Ажаб, ул ой тушимда гоҳ-гоҳ
Бир пўртана ясар руҳимда!?
Ё ростмикан тушга кирмоғи
Сени кимдир ўйласа зимдан...

* * *

Мен барибир бахтлиман, шукр,
Нигоҳингиз сири овутар.
Кўзингизга қаролмам, узр,
Нигоҳимдир ҳуркак кабутар.

Мен барибир бахтлиман, шукр,
Арзир дунё ҳавас-ла боқса
Ва йўқотган меҳру вафосин
Иккимизнинг юракдан топса!

Мен барибир бахтлиман, шукр —
Измингизда турса-да дунё,
Илиғ меҳр офтобингиздан
Таратасиз дилимга зиё!

Бу — ер-само излаган толе,
Бу — ой-қуёш орзу этган ҳис,
Мен барибир бахтлиман, шукр,
Гарчи айро бизлар босган из...

* * *

Юракдан бир ғазал тўкилар ҳар тун,
Сўнгра тушларимда такрорланар байт...
Тонгти насим каби мусаффо, маъсум
Нигоҳингиз сирли сўзлаётган пайт!

Осмон узоқлиги аён ҳақиқат,
Заминнинг кафтига тушарми юлдуз?
Уммон саховатли, қуёш қудратли!
Тундай кароматли бўлолмас кундуз!

Мен англагандекман само асрорин,
Сиз ҳам ер сирридан эрурсиз огоҳ?
Ишқнинг изҳорига тил эрур ожиз,
Севги салтанатин султони — нигоҳ.

Ҳислардан яралгай гарчи шеър — баёт,
Туйғу оламига етмас сўз кучи.
Юрак деб аталган энг нозик ҳилқат
Борини тўкишга ботинмас, чўчир.

Ҳар кун нигоҳларда ёнади юлдуз,
Ашъор тўкилади ҳар тун иложсиз...
Ишқ отлиғ покиза илоҳий нурга,
Биламан, сиз ҳам мен каби муҳтожсиз!

* * *

Ишонсангиз бўлади менга
Муҳаббатга ишонган каби.
Сирдошим йўқ юракдан бошқа,
Йўқ вафодан ўзга матлабим.

Ишонсангиз бўлади менга,
Эл корига ярайман ҳар он.
Ишқ қўйида сарсон юрагим
Ҳақ йўлидан боргай бегумон.

Ишонсангиз бўлади менга,
Дўстларимга дўстдирман асил.
Душманимга қилмасман парво,
Эзгуликка эшман муттасил.

Ишонсангиз бўлади менга,
Жондан кечгум, иймондан эмас.
Фақат ўта қатъидир феълим,
Ундан кеча олмаслигим рост.
Ахир, менга бу — отамерос!

Андижон

Нодир НОРМАТОВ

КЎЧА ЭШИКНИНГ НАҚШИН ГУЛЛАРИ

Хампир ҳар галгидек пайшанба куни эрталабдан мис қозон осди, ўзига сув иситди. Кейин уйига кириб олиб ювинди. Афтидан, у ҳеч кимни кўргиси йўқ эди, шу боис хатто кичкинагина дахлиз эшигини ҳам занжирлаб олган эди. Келини қайнонасига ёрдами тегар деб тўнғичи Қизларойни юборганди, уни орқасига қайтариб юборди. Шундагина келин ўзининг бу ишидан афсус чекди, пешонасига енгил шаппатлаб, "Эсим қурсин-а!", деди. Ахир, қайнонаси невараси тугул ўз қизларидан ҳам ювинган чоғларида ёрдам сўрамайди, улар исташган тақдирда ҳам бунга муҳтож эмаслигини билдиради.

— Нима, биз ўгайми? Бизга на кийимини ювдиради, на чўмилтиргани қўяди, — деди каттаси кичигига. — Ахир, ўз онамиз-ку.

— Рост, — деди кичиги унинг гапини қувватлаб. — Шундай, тегманозик онажонимиз.

— Ҳеч қаерда онамиздек бундай ўжари бўлмаса керак.

Иккаласи ҳам бу ерга тез-тез хабарлашгани келиб турса-да, барибир онамизга нафимиз тегмайди, деб ота маконларида кўп туришмай, ўз уйларига — даштга жўнаб кетишади. Кампир эса уларни орқасидан қўни-қўшниларга мақтайди: "Икки қиз ўстирдим, иккаласидан ҳам розиман. Иккаласининг ҳам рўзғори катта, шундай бўлса ҳам вақт топиб, онамга ёрдамлашай деб келади".

Келин эса хурсанд — қайнонаси билан тил топишиб кетган. Фақат у кампирнинг қиз боладек уятчанлигига тушунолмасди. Чўмилтириб қўяй деб минг ҳаракат қилсин, кампир сира ҳам кўнмайди. Кўнглида шубҳа ҳам туғилган, "балки баданида бирор нуқсони бормикан?" деб. Кейин, вақти-соатини топиб, кампирнинг ювинганини бекитиқча кузатган. "Мен бетийиқни худонинг ўзи кечирсин, ичим қизиб, билгим келаверди-да, — деди қайнсингилларига. — Айтсам, ишонмайсизлар. Ой деса ойдай, гул деса гулдай тана-тўшлари. Кўриб, оғзим очилди".

Кампир кийиниб бўлгач, келинини чақирди. Чойнакда чой дам еб турганини эшитиб, кўзларида миннатдорлик пайдо бўлди. У шундай аёл, бир нимани кўнглидагидек қилсанг, тилла топгандай суюнади. Кампир қайрағоч тагида ўтириб узоқ чой ичди. Ҳовли бурчагида қайроқтошга пичоқ чархлаётган ўғлига тикилиб ўтирди.

Ярим палла тарвуздек қизариб ботмоққа шайланаётган қуёш нурини кесганча кимдир ҳовли этагига қалама тошдан ошиб тушгандек бўлди. Ўз ишига андармон ўғил буни кўрмади. Кампир: "Кўзимга кўринди шекилли", деб хаёл қилди. Ўғлимга айтсаммийўқми, деб иккиланиб ичкарига кириб кетди.

Ярим тун экан алаҳлаб уйғонди. Уйқуси қочиб, тиззасини қучиб хаёл қилди. "Итлар бунча безовта ҳуришмаса, ё жондорпондорнинг исини олдимикан".

Тонгга яқин набираси кириб келди. Бироз ҳовлиқиш билан сўз бошлади:

— Момо, ҳовлимиз тўридаги дўнгликда кимдир ўтирибди, — деди Қизларой.

Кампир ёқасини тишлади:

— Ёпирай! Ким бўлдийкан?

Қўлига хассасини олиб ташқарилади. Кўзлари хира тортиб қолгани учун сўри олдидан туриб ҳовли саҳнидаги кишини танимади. Кампир том олдига юрди. Сигир боғловли қозиқни ҳатлаб, таппи қилинадиган жойда тўхтади. Қўлини пешонаси устига қўйиб, қаттиқ тикилди. Оқдан кўра кўкка ранг берадиган тўзғин соч-соқолли, қирра бурун бояги кимса одам қадамини эшитиб, ўрнидан қўзғолди. Тўнига ёпишган хас-хашакларни қоқиб-қоқиб қалама тош девордан ошганча кўздан ғойиб бўлди. Кампир эшик олдида савол назари билан қараб турган ўғлига ломлим демай ичкари кириб кетди. Сулаймон ҳайрон эди. Онаси шу кириб кетганча фақат эрталаб хонасидан чиқди. Юз-қўлини ювиб, яна қамалиб олди. Одатда у бирор бир иш билан шуғулланиб ўтирмаса мазаси қочиб қоларди. Шу боис онасидан хавотирга тушди. Бу номаълум кимсани билиш истаги юрагини чирмовқдай сиқиб келар, аммо уни қаердан ва қандай топишни билмай хуноб бўларди.

— Момо, ҳовлимиз тўридаги дўнгликда кимдир ўтирибди, — деди Қизларой.

Кампир ёқасини тишлади:

— Ёпирай! Ким бўлдийкан?

Қўлига хассасини олиб ташқарилади. Кўзлари хира тортиб қолгани учун сўри олдидан туриб ҳовли саҳнидаги кишини танимади. Кампир том олдига юрди. Сигир боғловли қозиқни ҳатлаб, таппи қилинадиган жойда тўхтади. Қўлини пешонаси устига қўйиб, қаттиқ тикилди. Оқдан кўра кўкка ранг берадиган тўзғин соч-соқолли, қирра бурун бояги кимса одам қадамини эшитиб, ўрнидан қўзғолди. Тўнига ёпишган хас-хашакларни қоқиб-қоқиб қалама тош девордан ошганча кўздан ғойиб бўлди. Кампир эшик олдида савол назари билан қараб турган ўғлига ломлим демай ичкари кириб кетди. Сулаймон ҳайрон эди. Онаси шу кириб кетганча фақат эрталаб хонасидан чиқди. Юз-қўлини ювиб, яна қамалиб олди. Одатда у бирор бир иш билан шуғулланиб ўтирмаса мазаси қочиб қоларди. Шу боис онасидан хавотирга тушди. Бу номаълум кимсани билиш истаги юрагини чирмовқдай сиқиб келар, аммо уни қаердан ва қандай топишни билмай хуноб бўларди.

Ҳамманинг кўнглида шубҳа-гумон болалаб борарди. Бир куни хотини ёрилди.

— Балки, ёшликдаги танишидир...

— Ўчир овозингни! — у беихтиёр хотинига тарсаки тортиб юборди.

Хотини шапалоқ зарбидан ловуллаб ёнаётган юзига кафт босиб ҳиқиллаганча бурчакка чўкди. Сулаймон анча сукут сақлаб тургач, бироз ҳовуридан тушиб гапирди. — Кўнглига қўл солиб кўриш керак!

— У кишини билмайсизми? Мен сўрасам, айтадиган одам ўзиям.

— Бўлмаса мен сўрайми?!

Хотини "қайдам" дегандек, елка қисди. Кейин уйда ортиқ қололмади, эшикдан отилиб чиқиб, ошхонага кириб кетди. Қайта бу борада гап очилмади. Кампирнинг хонасига Қизларой кириб-чиқиб турди.

Орадан чорак ой чамаси вақт ўтиб, қишлоқда бир этикдўз пайдо бўлди. Мактаб қоровулхонасида ётиб юрган ўша кишига Сулаймон ботинкасини яматгани борганда кўзлари чақнаб кетгандек туюлди. Анчайин жиддий чеҳрасида ним табассум ёлқинланди. Эски қадрдонлардай сўрашиб кўришди. Эҳтимол отаси тенгги бу одамнинг бу қадар мулозамати йигитни эритдими, икковлон мириқиб суҳбат қурдилар. Бу Асроқул ака ғалати одам экан. Ҳамма шаҳарга қараб интилса, бу кишим Тошкентдай шаҳри азимдан келибди.

— Нима қилиб адашиб юрибсиз? Шаҳарда сиз учун ҳамма нарса қулай: иссиқ-совуқ сув, газ, электр. Бу ерда лоақал ҳовлидан сув ўтмайди. Қуриб қолган икки йилдан бери. Сувни ташиб ичсак...

— Нолиманг, ука! "Ҳар ерни қилма орзу, ҳар жойда бор тошторозу" деганлар. Тирикчилик ташвиши билан келиб қолдик энди.

— Барибир...

Уста унинг гапини шартта бўлиб, бошқа мавзуга кўчди.

— Арикда сув қуриб қолган бўлса, қудуқ қазмадингизми?

— Ҳовлидан тўрт-беш марта қудуқ қазилган, аммо-лекин сув чиқмаган.

— Йў-ўқ! Чиқади. Яхшилаб кавламагандирсизлар. Ёки ўрнини топа олмагансизлар.

Сулаймоннинг шаҳарлик бу "файласуф"нинг гапидан энсаси қотди.

— Балки билсангиз, жойини кўрсатарсиз.

— Майли кўрсатаман ҳам, керак бўлса, қазишиб ҳам юбораман. Фақат битта илтимосим бор. Ҳовлингизни бир бурчидан каталакдек жой берсангиз. Кичкина кулба қуриб, пойабзал тузатсам. Ҳар ҳолда мактаб қоровулхонаси пойабзал тузатиш учун мос жой эмас.

"Ўҳ-ў! Иштаҳалари карнай-ку, Сулаймон "Кел, шаҳарлик бу олифтани бир боплаймиз. Қишлоқни шунча қудуқ қазиб юрган йигитлари чиқаролмаган сувни бу кишим чиқарар эмиш. Бир ҳолва деган билан оғиз чучимаслигини кўриб қўйсин-чи. Сал ўйлаб гапирадиган бўлади".

— Нега ўйланиб қолдингиз? Гапим сизга маъқул тушмади шекилли.

— Йўқ! Йўқ! Нега энди, розиман. Фақат анови, Турғун участковой калламни гаранг қилмайдимикан.

— Бу ёғидан хавотир олманг, ўзим гаплашаман.

— Бўпти, унда эртага кутаман-а?

Чошгоҳ пайти ҳовли саҳнида чўкич кўтариб, Асроқул пайдо бўлди.

— Сиз ишингизга бораверинг, мен ҳовлини бир кўздан кечирай, — деди Асроқул ака Сулаймонга.

— Чой ичинг аввал, иш бўлса қочмас, — деди Сулаймон.

Асроқул ака унамади. Бир ўзи ҳовлини анчагача айланиб, кўздан кечириб юрди. Бу орада Сулаймоннинг онаси деразага тортилган ҳарир оқ парда ортида гоҳ эски сандиқнинг ичидаги сарғайиб кетган суратга, гоҳ ҳовлини кўздан кечираётган кимсага қарар, қўллари дағ-дағ қалтираб турар эди. Ниҳоят Асроқул ака қари тут яқинида ўсган бир туп янтоққа кўзи тушиб, чиройи очилди. Йигитнинг яқинига келиб, бу янтоқ гуллаш-гулламаслигини, яна қачондан бери ўсишини сўраб-суриштирди.

— Шу ерда озми-кўпми янтоқ ўсарди, шундан битта-ярими қолган экан-да, — деди Сулаймон.

— Мана шу ердан сув чиқади, қудуқлик бўлдим деяверинг, — деди Асроқул ака кулимсираб. Сўнг ўн қадам чамасида иккита ёғоч қоқди, шолча илиб, ўзини пана қилди. Қўйлагини ечиб, ишга тушди. Ёши етмишдан ошган, юзи бироз қаримсиқ кўринса-да, қомати тик, барваста, ҳаракатлари ёш боланикидек енгил, қадамлари тез. Сулаймон унинг олдида анча суст, мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлсаям, у қадар чаққон эмас. Бир марта қудуқ қазишга ёрдам бераман деб, ичига тушди-ю, оёғини эски ғиштин деворлари нураб бутунлай ерпарчин бўлган иморат олдида Асроқул акани кўриб қолди. Чакалакзор оралаб орқа томондан келиб уни кузатди. Бу ерда нима қилиб юрганига ажабланди. Нимадандир шубҳаланди.

Балки бу ерларда тилла қўмилган бўлса, шунинг ҳидини олиб излаб юргандир бу индамас, ичдан пишган одам, деб ўйлади.

Асроқул ака эски иморатдан ёлғиз сақланиб қолган икки табақали дарвозанинг кичик эшиги олдида тиз чўкиб, уни сийпалаб йиғларди. Сулаймон янада қизиқиб, чакалакзор паналаб, шоҳариқ ичига тушди. Бу ер эшикка яқин жой бўлиб, пана эди, у ерда ўтириб, Асроқул акани бемалол кузатди. Ҳатто унинг секин айтаётган гапларини аниқ-тиниқ эшитди. Сулаймон аввалига Асроқул ака ўтганлар руҳига бирор-бир оят ўқиётган бўлса керак, деб ўйлади.

— Оҳ, қадрдоним! Сени танидим, сени мана шу нақшларингдан танидим. Сен ҳовлимизнинг кўча эшиги эдинг. Мана шу нақшин гулларингни бир кўрсам, армоним йўқ деб узоқ жойлардан излаб келдим. Тушларимга неча марталаб киргансан, ахир...

"Ҳа, гап бу ерда экан-да." Сулаймон вужуди қизиб, дилида ғалати бир ўзгариш сезди.

— Асли шу ерлик экансиз-да? — бу кутилмаган саволдан Асроқул ака илкис чўчиб тушди.

— Ҳа! — деди синиқ товуш билан.

— Нега буни келган кунингиз айтмадингиз?

— Қандай айтайин? Қишлоқда бирор уруғ-аймоғимиз қолмаган бўлса, ким танирди? Фақат, Ўрин бова бизнинг аждодни озроқ биларди. У киши ҳам яқинда қазо қилган экан. Фотиҳасини бериб, қайтиб кетмоқчи эдим, аммо...

— Аммо жойни кўриб, кўзингиз қиймади шундайми?

— Йўқ! Йўқ, ундай эмас. Бизни бобомизни Соҳиб кўкчи дер эдилар. Ўттизинчи йилларда қулоқ бўлиб кетган. Отам эса урушда йўқ бўлиб кетди. Кейин онам ўлди. Мен ўн олти-ўн етти ёшларда эдим. Шунда нон излаб Тошкентга бориб, қолиб кетдим. Ака-укалардан қолмаган, уруш йиллари очликдан ўлиб кетишган.

— Энди бу эртакни тўқияпсизми? Ахир, сиз тирикчилик учун юрган одам эдингиз-ку.

— Сизларни ортиқча ғалвага қўймай дегандим.

— Ўзингизни оқламай қўя қолинг. Сизни асл мақсадингизни яхши биламан! Қайга борсангиз боринг, аммо ҳовлимни бўшатиб қўйинг!

— Илтимос, укажон, мени ҳайдаманг! Сизга зарарим тегмайди.

— Гап шу. Сизни ортиқ бу ерда кўришни истамайман, — Сулаймон шарт бурилиб уйга юрди. Келиб хонасига қамалиб олди. Кечга яқин онаси қошида мустар бўлди.

— Сулаймон, — деди у ўғлига қараб. — Мана шу ўтирган уй-жойимизнинг ярми шу — Асроқул акани отасиники бўлган. Биз шу ер эгасиз қолгани учун томорқамизга қўшиб олган эдик. Раҳматли отанг бир гапни биларкан-ки, ўзлаштирган ўша ерга сира иморат қурмаган эди. "Ким билади, эҳтимол Соҳиб кўкчининг бирор-бир изи қолган бўлса, қайтиб келар", дерди.

Сулаймоннинг ранги оқарди, лаблари билинар-билинмас титради. Сўнг ўзини тутиб олиб, онасига қараб хўмрайди.

— Бир пайтлар бу жойда Соҳиб кўкчи яшаган бўлса, яшагандир. Бу жойлар энди бизники. Бу жойни биз қишлоқ шўросидан хатлаб олганмиз.

— Йўқ, болам, бу жойлар бизники эмас. Мана шу тутнинг нариси шу Асроқулники бўлади.

Сулаймон ичиб турган пиёладаги чойни пойгакка сепиб юборди.

— Она, кўп ўзингиздан кетаверманг. Мен ҳеч кимга бир қарич ҳам ер бермайман, билдингизми? — деди авзойи бузилиб.

— Берасан, — деди кампир ишонч билан. — Иложимиз йўқ, болам. Бу ерда Соҳиб кўкчининг аждод-аймоқлари руҳи бор. Уларни норози қилсак, у дунёю бу дунё ҳузур-ҳаловат кўрмаймиз.

Сулаймон ўрнидан турди. Айвондан чиқиб, атрофга кўз югуртирди. Ҳовли-жойининг нақ ярмидан ажралишини кўз олдига келтириб бош чайқади.

— Она, — деди у ялинчоқ товушда. — Мен бу ташландиқ ерга қанча пул, қанча меҳнат сарфладим. Мана, ҳокимият одамларга Сувлибулоқ атрофидаги ердан томорқа беряпти. Асроқул акага ўша ердан олиб берайлик. Ер ўлчагич Ботир синфдошим бўлади. Керак бўлса, анча-мунча ер қўшиб беради.

— Ҳай, болам-а, — деди кампир, — нимага бу одамнинг ичини тушунмайсан. Ер-жой деганинг ўша Тошкентда йўқ эдими? Бу одам ҳовлига келган куниёқ кўнглимда гумон пайдо бўлган эди.

— Барибир, она, бу жойни бермайман, — деди Сулаймон.

— Менга отанг тайинлаб кетган: мабодо ҳовлининг эгаси чиқса, ғиди-пиди қилмай, омонатини қайтариб беринглар деб. Арвоҳимни чирқиллатманглар деган. Билиб қўй, агар айтганимни қилмасанг, отангнинг арвоҳи уради. Дуо урса нажот бор, арвоҳ урса даво йўқ, дейишган авлиёлар.

У онасининг олдидан отилиб чиқди. Алами ичига сиғмай уйнинг пойгоҳидан тўрига қадар бориб келаверди. Тонггача уйқу нималигини билмади. Саҳар пайти қудуқ сувидан тортиб олиб, юзини ювди. Қайрағоч тагида бир пас бошини чангаллаб ўтирди-да, сўнг омборхонага қараб кетди. У ердан теша, қозиқ олиб чиқиб, тўғри кекса тут рўпарасига келди. Чуқур хўрсиндида, ўтириб, қозиқ қоқа бошлади. У энди ўша Асроқул акага тегишли ҳовлини чегириб, белги қўйишга, ўша жойни ўз эгасига беришга аҳд қилган эди.

Эрталабдан уйқуни парчалаб юборадиган темир товуши атрофга ёйилиб кетди. Кўни-қўшни, бутун уй ичи норозиланиб эшикдан чиқиб келишди. Бироқ Сулаймон кутган одам ҳа деганда кулбасидан чиқавермади.

— Наҳот кетиб қолган бўлса, — хаёлидан ўтказди у.

Кулбасига бош суқиб, у ердан тополмади. Боғ томон юрди. Унинг тўридаги ўша нақшинкор эшикка кўзи тушди. У шамолда тебрангани-тебранган, нимадир демоқчи бўлгандай ғийқилларди. Сулаймон унга яқинроқ келди-ю, бирдан тўхтаб қолди. Оёқлари мадорсизланди, юраги увишди. Асроқул ака юзида ним табассум билан ухлаб ётарди. Эҳтимол у адоғсиз тушида ёш болага айланиб, ўз уйининг қайсидир бурчагида чопқиллаб юргандир. Фақат у ҳозир кўзлари ним очиқ ҳолда шунчалик тош қотиб ётган эдики, шамолнинг гапига кириб дам-бадам асабий ғингшиётган эшик табақаси ҳам уни уйқудан уйғотолмас эди...

Ҳикоя

БОЛАЛАР МУЗЕЙИГА МАРҲАМАТ

Бугун ёш авлод тарбияси, маънавий камолотига ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор берилмоқда. Болалар учун замонавий санъат ва спорт мактаблари қурилаётгани, иқтидорли ёшлар учун турли фестиваллар, кўрик-танловлар ташкил этилаётгани фикримиз далилидир.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон тарихи давлат музейи қошида республикамизда илк бор Болалар музейи ташкил этилиши бу борада муҳим қадам бўлди. Музей мактабгача ёшдаги болалардан тортиб, юқори синф ўқувчиларига ҳам хизмат қилади.

Музейга кираверишда болаларни гўзал миллий либосдаги қиз ва йигит тасвири қутиб олади. Болаларга қизиқарли, қулай бўлиши учун эртак қаҳрамонлари тасвирланган ранг-баранг стендлар, алоҳида буюртма асосида тайёрланган турли шаклдаги столчалар, ҳар хил рангларга бўялган нақшли ўриндиқлар қўйилган.

Музейда турли секциялар бўлиб, ёш томошабин қизиқишига қараб машғулот топиб олади. Масалан, "Ёш археолог" секциясида қадимий тарихий даврга сайр қилиш имконига эга бўлади. Бу ерда ибтидоий одам қулбасининг макети бор. Ғор шаклидаги қулбада олов "ёниб турибди". Ерга терилар ташлаб қўйилган, лекин ғорда одам йўқ, эркаклар овга, аёллар мева теришга кетишган. Кампиртепа диорамаси болаларни антик давр шаҳарчаси билан таништиради. У ерда Ўзбекистон ва унга чегарадош давлатлар ҳудудида турли тарихий даврларда мавжуд бўлган рақамлар ҳамда ёзув турлари акс этган. Улар орасида Кушон тангалари, араб ёзувидаги Мирзо Улуғбек тангалари, Тупроққалъа саройи архив ҳужжатлари ва бошқа кўплаб ёдгорликларнинг нусхалари бор.

Музейда Буюк Ипак йўли бўйлаб "саёҳат қилиш", Ўзбекистоннинг савдо алоқалари ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. "Зарбхона" миниатюраси, тангалар тайёрлашда ишлатиладиган асбоб-ускуналарнинг суратлари намойишга қўйилган. Одамлар танга билан савдо қилишга бирданига ўтишмаган. Шу боис илк товар айрбошлашда ишлатилган ашёлар — Ҳинд океани қирғоқларидан келтирилган чиғаноқлар, металл халқалар тўпламлари, бронза ва мис қуймали буюмлар сурати болалар учун қизиқарли бўлади, деб ўйлаймиз. Стендлар ёнига қум тўлдирилган қутичалар ўрнатилган бўлиб, у ерга қуракчалар ва кичкина чўмич ҳам қўйилган. Болалар қумни титиб, тангани топишлари мумкин. Танга топган бола эса совға билан сийланади.

Тарихни чизиш, тўқиш, суратга олиш, ҳайкаллар ясаш орқали яна яхшироқ тушуниш мумкин. Суратга олиш ва экспонатлар ҳақидаги ахборотларни тизимга солишдан илмий тадқиқотлар методикасига кириш сифатида фойдаланиш мумкин. Машғулотларни ўтказишда музей экспозицияси бўлимлари фаол ёрдам беради. Бола олдида тарих оламига йўл очилади, маданий-тарихий даврларга шахсан гувоҳ бўлиш, улар ҳақида фикр юритиш имкони туғилади. Тасвирий санъат машғулотлари учун музейда мольбертлар ҳам мавжуд.

"Ёш каштачи" секциясида музейга келувчилар тажрибали устоз ёрдамида каштачилик санъати алифбоси билан танишадилар. Илгари ҳар бир аёл кашта тикиш санъатидан хабардор бўлган. Кашталарда ҳунармандларнинг бадиий тажрибаси, дунёқараши акс этган. Музейда болалар учун дўппи тикиш машғулоти ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

"Ёш кулол" секциясида болалар сопол ишлаб чиқариш бўйича амалий малака орттирадилар, музейдаги намуналар асосида турли композициялар яратадилар. Болалар ҳақиқий кулол чархида турли буюмларни ясашлари ҳам мумкин.

Мазкур музей болаларни она юрт ва унинг табиий бойликлари билан ҳам таништиради. Ток сўрилари остида суҳбатлашиб ўтириш мумкин, қафасда сайроқи қушлар, мажнунтол новдаларидан тўқилган сават ва ликопчалар эса мумдан ишланган турли мева-сабзавотлар билан тўлдирилган. Махсус турникетда машқ қилиш, ўз билимларини намойиш этиш имконияти бор.

Энг жажжи томошабинлар учун ўйинчоқлар, китобчалар тайёрлаб қўйилган. Бирдан ўнгача бўлган рақамлар ёзилган катта кубиклар йирик занжир тасмаларга ишланган. Магнитланган рақам ва ҳарфларни махсус тахтада ҳаракатлантириш, улардан гаплар тузиш, арифметик мисоллар ишлаш, сурат чизиш мумкин.

Музейда ёрқин пардалар тортилиб, қўғирчоқ спектакллари персонажлари қўйилган қўғирчоқ театри ҳам ўрнатилган. Ҳатто ерга тўшалган гилам эртак мотивлари асосида яратилган. Театрда томошалар кўрсатиб турилади. Болаларнинг ўзлари қўғирчоқ томошалар қўйишлари ҳам мумкин. Шунингдек, улар ўзига ёққан қўғирчоқни танлаб олиш имконига эга. Қўғирчоқлар шундай тайёрланганки, болалар уларнинг қиёфаси, либосларига қараб халқимиз маданиятини, бу маданиятнинг бетакрорлигини ҳис этишга ўрганадилар. Қўғирчоқларни "Жайхун" қўғирчоқ театри раҳбари Мансур Қурёзов яратган.

Музейда кутубхона ҳам бор. Бу ерда болалар ўзлари қизиққан китобларни ўқийдилар, кичкинтойлар эса ажойиб картиналарни томоша қиладилар. Кутубхонада шоҳмот ўйнаш мумкин. Шоҳмот тахтаси полга жойлаштирилган, катта-катта доналарни тахта бўйлаб суриш боланинг жисмоний ривожланишига ҳам ёрдам беради.

Музейда педагогик машғулотлар, маҳорат дарслари, болалар ижоди кўргазмалари, маданий ҳордиқ дастурлари ташкил этилади. Шу ўринда йўриқчи кузатуви остида ўтадиган таълимий ва ижроли ўйинлар катта аҳамият касб этади. Музей дастурида театр томошалари қўйиш, уларга таниқли актёрларни таклиф этиш ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, ёдгорликларга, археологик қазишма бўлаётган жойларга саёҳат қилиш, бошқа музейларга, тарихий жойларга бориш ҳам музейнинг таълим дастуридан жой олган. Таълим дастурида филмлар, видеороликлар, концертлар намойиши, анжуманлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган. У даргоҳга музей ходимларидан ташқари педагоглар, психологлар, тажрибали социологлар ҳам таклиф этилади. Рассомлар, олимлар, ҳунармандлар болаларни ўз касблари асослари билан таништирадилар.

Диққат: янгилик

Музейда ўтказиладиган дастурларнинг асосий қисмига кам таъминланган оилаларнинг болалари, ота-онаси йўқ, ногирон болалар хайрия тарзида таклиф этилади.

Муҳими, болалар билан бирга музейга оиланинг бошқа аъзолари ҳам келиши мумкин. Зеро, музей ходимлари бу ерга келадиган барча томошабинлар учун қулай шарт-шароит яратишни, мазкур масканни пойтахтимиз ва республикамиз маданий-маърифий, ижодий ҳаётининг ажралмас қисмига айлантиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Лариса ЛЕВТЕЕВА,
санъатшунос

ОТАЛАР ИБРАТИ

Истиқлол шарофати билан миллий урф-одатларимиз, азалий анъана ва қадриятларимиз тикланаётир. Жамиятимиз ҳаётида, маҳаллалар муҳитида, ҳар бир оила турмуш тарзида одоб-ахлоқ, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, бағрикенглик фазилатлари тобора барқарорлашиб бораётгани шундан далолат.

Мамлакатимизда 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши бугунги иқтисодий юксалиш даврида қўлида ҳунари бор барча юртдошларимиз учун катта имкониятлар яратди. Маҳаллаларнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик марказларига айланиб бораётгани, косиблар, усталар, новвойлар, қандолатчию сартарошлар — жамики касб-ҳунар эгалари, аввало, ўз оилаларининг фаровонлигини таъминлаш, шу билан бирга, маиший хизмат соҳаси ривожига салмоқли ҳисса қўшиш, ёшларга касб-ҳунар сирларини ўргатиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш борасида катта ютуқларга эришмоқда.



Азалдан ҳунар эгалари юртимизда юксак қадр топиб келган. Аллома бобомиз Баҳоуддин Нақшбанднинг "Қўлинг ишда-ю қалбинг Оллоҳда бўлсин", деган ўгитларида теран маъно бор. Ҳалол меҳнат билан умргузаронлик қилиб, эзгу амаллар ила атрофдагиларга меҳр-шафқат, муҳтожларга кўмак бериб яшаш халқимиз ҳаёт тарзининг негизини ташкил этади. Ана шу ўлмас қадриятларга мустақиллик янгича руҳ бағишлади. Бу эса, айни пайтда, ўзлигимизни англашга — биз киммиз, ота-боболаримиз қандай инсонлар бўлишган, улар қай амалларни қадрлашган, биз уларга муносиб авлодмизми, деган саволларга ўринли ва холис жавоб топишга ундайди. Халқимиз ҳар бир инсон ўзининг асл насл-насабини билиши, уларни вақти-вақти билан хотирлаб туришини бурч ҳисоблагани бежиз эмас. Шу маънода ёшларга ота-боболари ҳаёти, фазилатлари, касб-корларию эзгу амалларини сўзлаб бериш ҳам фарз, ҳам қарз, десак муболаға бўлмайди.

Ҳунардан унар

Ҳунарманд уста Йўлдош Шамсимуҳаммад ўғли умр йўли ана шундай ибрат бўлгулик инсонлардан. У киши Тошкентнинг "Ҳастимом" маҳалласида умргузаронлик қилган. Мен ҳар гал Зарқайнар кўчаси ёнидан ўтар эканман, Йўлдош бобони эслайман. Бир куни бозорга бораётиб, улар яшаган хонадонга кириб, кўрмоқчи бўлдим. Ўтган асрнинг 80- йилларида шу кўчадаги 27-уйнинг биринчи қавати маиший хизмат устахонаси, иккинчи қавати эса Олмазор туманининг ошхоналар идораси эди. Бу бино уч асрнинг юзини кўрган. Иккинчи қаватининг кўчага қараган тарафи очиқ тоқу равоқли айвончадан иборат бўлиб, олдига санъаткорона ишланган нақшли, жимжимадор темир панжара ўрнатилган. Бинонинг ҳамма хоналари чиройли ёғоч тоқили, нақшинкор. Айниқса, иккинчи қаватда жойлашган меҳмонхона чиройи ўзгача эди. Ҳанузгача ўз ранги ва чиройини йўқотмай ялтираб турган, гул-нақшларга бой, гўзал ва мафтункор хонанинг сиркор шифтини ва деворларини кўриб ҳайратландим. Бу жозибадор хона миллий-амалий санъатимизнинг ёрқин намунаси сифатида мени ўзига ром этди. У ажойиб ва ноёб бир санъат асари дегулик. Аждодларимиз нозик дид билан яратган бундай иморатлар биз учун ҳар жиҳатдан ибрат намунасидир.

Ҳозирги ёшлар чегачилик ҳунарини яхши тасаввур қилишолмайди. Негаки, бу касб унутилмоқда. Йўлдош бобо бу ҳунарнинг қўлигул устаси сифатида эл-юртда Йўлдош қадоқчи номи билан машҳур бўлган. Дарвоқе, чегачиликнинг ўзига яраша машаққатлари бор. Йўлдош бобо ишни бошлашдан аввал тиззасига рўмолча солиб, синган буюмни қўяр, аввал идишни каноп билан боғлаб, синиқларини жой-жойига қўйиб бирлаштирар, сўнгра унга қанча чега тушишини мўлжаллаб оларди. Катта олмосни кичик бўлакчаларга бўлиб, тегишлисини темир найча учига қўйиб маҳкамлар, сўнгра камон ипига бир марта айлантириб ўраб олар ва уни уёқ-буёққа юргизиб буюмни бутлашга киришарди. Қўлга ботмаслиги учун ёнғоқ пўчоғининг ярим палласини темир найча тепасига ўрнатиб қўллари билан маҳкам ушлаб, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан буюмни 1-1,5 миллиметр қилиб тешарди. Тешаётганида қизиб кетмаслиги учун томчилатиб сув томизиб турар, сўнг шу тешикларга мос чега танлаб, секингина жойлар ва болғача билан оҳиста уриб, гипс билан қотирарди.

Йўлдош қадоқчи нафақат чегачи, балки ниҳоятда моҳир таъмирчи уста эди, синган идишларнинг ҳар бир бўлагини ўз жойига заргарона жойларди. Хонадонларга зийнат учун қўйиладиган нақшдор, чиройли, ноёб хитойи вазаларни ва шунга ўхшаш қимматбаҳо чинни идишларни асл кўринишига қайтариш учун ҳунарманд бобомиз кунт билан санъаткорона ишларди. Таъмирдан сўнг бу бебаҳо идишларни кўздан кечирганда синган жойи сезилмасди.

Тарихдан маълумки, 1948 йили Ашхобод шаҳрида содир бўлган кучли зилзила тўлқинлари Тошкентга ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Жумладан, ўшанда Тошкент куранти минорасига ўрнатилган соат бузилган экан. Кўп уринишларга қарамай соатни ҳеч ким тузата олмаган. Шунда моҳир чегачи уста, ҳунарманд Йўлдош қадоқчи бобомиз курант минорасидаги соатни таъмирлаб, ишлатиб юборган.

Мустақиллигимиз шарофати билан жонажон Ўзбекистонимиз ва унинг пойтахти кундан-кунга обод бўлиб, гуллаб-яшнаётган айни кунларда Тошкент куранти қайта тиъмирланиб, янада кўркамлашди. Муҳташам "Ўзбекистон" анжуманлар саройи билан Тошкент куранти оралиғида миллий меъморлик ва амалий безак санъатимиз анъаналари асосида худди аввалгисидай ажойиб иккинчи курант қурилди. Ҳар иккала курант ҳам пойтахтимиз ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Мен ҳар гал Амир Темур хиёбонидан ўтар эканман, Тошкент курантларига меҳр билан қарайман, бироз тўхтаб, уларнинг занг уришини энтикиб тинглайман, биринчи курантни таъмирлашда Йўлдош бобомнинг ҳам ҳиссаси борлигидан ғурурланаман.

Ҳозирда пиру бадавлат Йўлдош қадоқчи отанинг авлодлари турли соҳаларда хизмат қилиб, Ватан тараққиёти учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Йўлдош отанинг ўз элига бўлган садоқати, халқпарварлиги, саховатпешалиги барча авлодларида давом этаётир. Зеро, оталар ибрати авлодлар учун фахр-ифтихордир.

Гулжамила АЪЗАМХЎЖАЕВА,
Халқ таълими аълочиси

«МАРДИ МАЙДОН»ЛАР БАҲСИ

Фестивал

Жонли ижронинг аҳамияти беқиёс. Саҳнада минглаб томошабинлар қаршисида ўтадиган жонли ижродаги катта имтиҳондан кўпчилик хонандалар ҳадиксирайди. Бунда фақат ўз кучига ишонган марди майдонлар саҳнага чиқиши мумкин. Пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройи саҳнасида жонли ижрода янграган қўшиқлар ўзининг бадиий юксаклиги, мазмунан бойлиги, гўзал оҳанги билан эътибор қозонди.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамда «Terra Group» МЧЖ ҳамкорлигида ўтказилган «Марди майдон» фестивалининг навбатдаги концерти кўплаб тингловчилар учун ана шундай таассуротларга бой бўлди, десак муболаға эмас.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори Азамат Ҳайдаров сўзга чиқиб, иштирокчиларнинг овоз имконияти, ижро усули ҳамда саҳнада ўзини қандай тутиши ҳам эътиборга олиниши, «Марди майдон» фестивали барча ёш истеъдод эгалари учун катта мактаб вазифасини ўтаб келаётганини таъкидлади.

Фестивалда иштирок этишни хоҳловчилар ўн етти ёшдан ўттиз ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор ижрочилардан иборат. Аризалар ўрганиб чиқилгач, қўшиқнинг янгилиги, матннинг таъсирчанлиги ва образларга бойлиги, ижодкорнинг овозию, нутқ маданияти — барчаси ҳисобга олинган ҳолда баҳсда иштирок этиш имкони берилди.

Фестивалда эстрада, анъанавий ижрочилик ва академик вокал йўналишида ижод қилаётган ёш истеъдодларнинг ўз маҳоратларини намойиш этишларига имкон яратилди. Зеро, танловнинг асосий мақсади элимиз орасидаги ёш истеъдод эгаларини излаб топиш ва катта саҳнага олиб чиқишга қаратилган.

«Марди майдон»нинг аввалги босқичларида ҳам бир қанча истеъдодли ёшлар аниқланиб, халқ олдида ўз ижро имкониятларини синовдан ўтказган эди. Иштирокчилар орасида эндигина санъат соҳасига қадам қўяётган ёш ижрочилардан тортиб тажрибали санъаткорлар ҳам бор. Улар залга йиғилганларни асл наво, юксак санъат сеҳридан бахраманд этишди.

Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков «Мажнунтол», «Омон-омон» қўшиғини ижро этиб, мухлислар кўнглига хушнудлик улашди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсанам Мамазоитова фортепиано жўрлигида «Ширин орзулар» ҳамда «Ажаб-ажаб» қўшиғи билан қатнашди.

Фонограммадан фарқли ўлароқ жонли ижрода айтилган қўшиқларда хонанданинг қалб туйғулари акс этиб, тингловчи қалбини ҳам ларзага солади. Унда санъаткорнинг руҳий ҳолати, кайфияти мусиқа ритмига уйғунлашиб кетади. Яъни, ижрочи сўзнинг нозик мазмунини юракдан ҳис этиб, ўз кўнглидан ўтказиб, тингловчига етказишга ҳаракат қилади.

Томошабинлар анъанавий ижрочилик йўналишидаги ашулалардан ҳам баҳраманд бўлишди. Хонанда Ҳилола Хўжаева халқ куйлари асосида «Сувора» (Фузулий ғазали) ва қайроқтош, гармон, доира жўрлигида «Сизни дерман» ашулаларимизни маромига етказиб ижро этди. Мумтоз куйларимиз, ашулаларнинг сеҳри ва жозибаси айнан ана шу ижрода яна бир бор гўзал жаранглади.

Қувонарли жиҳати, ёш санъаткорлар миллий меросимизга айланиб қолган қўшиқларни маҳорат билан ижро этди. «Соғинди жон» (Туроб Тўла сўзи) қўшиғини Азамат Бозоров, Ботир Зокиров репертуаридан «Газли» дуэтини Дилмурод Далиев ва Зилола Усмонова сўз қудрати ва оҳанг уйғоқлигини ҳис этиб куйлади. Ёш ижрочиларнинг устоз санъаткорлар қўшиқларини айтишга журъат этгани ўлмас мусиқа меросимизнинг кейинги авлодга етиб боришида муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон мусиқа санъати ихлосмандлари вокал ижрочилиги йўналиши бўйича «From.uz» оркестрининг «Brush with the Blues» (Jeff Beck репертуаридан) ва «Come Together» («The Beatles» репертуаридан) қўшиқларидан бахраманд бўлишди.

Фестивалнинг яна бир имконияти шуки, «Terra Group» компанияси ижро этилган энг яхши асарларни теле ва радиоканаллар орқали мухлислар эътиборига ҳавола этади. "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳақиқий санъаткорларни саралаб, "Мустақиллик", "Наврўз" байрамлари ва халқаро танловларда қатнашишини таъминлайди. Шунингдек, ёш истеъдодли хонандаларга имтиёзли лицензиялар бериш ҳамда сара қўшиқларни бирлашманинг фонотекасига қабул қилиш ҳам ана шу имкониятлар сирасига киради.

Фестивал Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, устоз санъаткор Юнус Тўраевнинг эстрада йўналишида ижро этилган «Гулчеҳра» (Акмал Пўлатов сўзи) қўшиғи билан якунланди.

"Марди майдон" каби тадбирларнинг яна бир аҳамияти шундаки, тингловчилар учун асл санъат жозибаси, куй нашъу намоси, оҳанг сеҳри ҳамда жонли ижро фонограммадан нақадар устунлигини намоён этади.

Шоҳсанам ХИДИРОВА

ТОШКЕНТ КИНОФОРУМИ ЎЗ ҒОЛИБЛАРИНИ АНИҚЛАДИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Мамлакатимизда илк бора ташкил этилган "Олтин гепард" халқаро Тошкент кинофоруми маҳаллий санъат ихлосмандлари қатори дунё кино жамоатчилиги эътиборига ҳам сазовор бўлди. Халқаро анжуманнинг аҳамияти, унинг ўзбек киноси тараққиётидаги ўрни ва истиқболлари ҳақида юртимиз экран санъати намояндалари ҳамда хорижлик меҳмонлар ўз фикрлари билан ўртоқлашишди.

Андрей ХРЖАНОВСКИЙ, россиялик мультипликатор, анимацион филмлар ҳайъати раиси:

— "Олтин гепард" халқаро Тошкент кинофоруми кўпчилик хорижий мутахассислар қатори менда ҳам катта таассурот қолдирди. Ўзбек ижодкорларининг фаолиятини анчадан бери кузатиб бораман. Мамлакатингизда кино санъати жадал суратлар билан ривожланиб бормоқда. Бу борада сизларда амалга оширилаётган ишлардан ўрнак олса арзийди. Айниқса, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси кўрсатаётган жонбозлик таҳсинга лойиқ.

Тўғри, халқаро кинофестиваллар дунёнинг кўплаб мамлакатларида ташкил этилади. Бироқ уларнинг ҳаммаси кино жамоатчилик эътиборига тушмайди. Эшитишимга қараганда, Тошкент кинофорумида дунёнинг беш қитъасидан элликка яқин давлатлар иштирок этиш ниятини билдирган. Мазкур мисолнинг ўзиёқ форумга бўлган қизиқиш нақадар катта эканини кўрсатади.

Форумда анимацион филмларнинг ҳайъат раиси сифатида қатнашдим. Шу баҳона кўплаб ёш ижодкорлар билан учрашиб, суҳбат қуриш имкони бўлди. Айниқса, Санъат институти талабалари билан ижодий мулоқот мароқли кечди. Ўз тажрибаларим билан ўртоқлашиш жараёнида ёшлардан ҳам кўп нарсани ўргандим. Илгари ўзбек киноси деганда кўз олдимда Наби Ғаниев, Малик Қаюмов, Шуҳрат Аббосов сиймолари гавдаланар эди. Бугун юртингизда ана шу ижодкорларга муносиб авлод камол топмоқда. Яқин йиллар ичида ўзбекистонлик режиссёр ва актёрлар "Кан", "Венеция" каби машҳур анжуманларда ҳам ўз сўзларини айтишига ишонаман.

Нозим ТЎЛАХЎЖАЕВ, ҳайъат аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Бу каби халқаро киноанжуман юртимизда илк бора ташкил этилмоқда. Форумни ўтказиш учун бир йил давомида катта тайёргарлик кўрилди. Картиналарни саралаш жараёнида мен ҳам қатнашдим. Раҳбарлигимдаги ҳайъат гуруҳи танлаб олган ўн иккита тўлиқ метражли филм конкурс доирасида намойиш этилди. Албатта, юзлаб картиналар орасида энг яхшиларини саралаб олиш осон кечгани йўқ. Имкон қадар бадиий савияси юқори, оригинал режиссёрлик ечимларига эга асарларни тақдим этишга ҳаракат қилдик.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган ушбу кинофорум одатий фестиваллардан фарқ қилади. Анжуман бежиз "Инсон тақдири — туйғулар фалсафаси" шиори остида ўтказилмади. Томошабинлар эътибор берган бўлса форум доирасида жангари, триллер жанридаги бирорта филм кўрсатилмади. Намойиш этилган асарларнинг аксарияти психологик йўналишдаги муаллифлик картиналари бўлди. Улар комедия, драма каби турли жанрда бўлишига қарамай, барчасида инсон тақдири устуворлик қилади.

Мазкур киноанжуман менинг ижодий фаолиятимда ҳам катта из қолдирди. "Илова" филмидаги Ҳамид образи учун "Энг яхши эркак роли" номинациясида ғолиб бўлдим. Тақдирлаш маросими вақтида ҳаяжондан кўзларим ёшланиб кетди. Шу кунга қадар хорижда ўтказилган кўплаб фестивалларда турли совринларни қўлга киритганман. Бироқ ўз Ватанингда, қадрдон мухлисларинг даврасида эътирофга сазовор бўлиш гашти ўзгача экан.

Феруза НОДИРОВА, киношунос, кинофорум ташкилий қўмитаси аъзоси:

— Кино бугунги кунда энг тез ривожланиб бораётган санъат турларидан бири. Йилдан-йилга талқин услублари, бадиий воситалар ўзгариб, 3D, 5D каби замонавий технологияларда филм суратга олаётган янги ижодкорлар авлоди вояга етмоқда. Тошкент кинофорумини ўтказишдан кўзланган мақсад ўзбек томошабинларини жаҳон киносининг замонавий жараёнлари билан яқиндан таништиришдан иборат. Шу маънода асосий эътибор айнан муаллифлик филмларига қаратилгани бежизга эмас. Сир эмаски, кейинги йилларда тижорат филмларининг ортиши натижасида енги-елпи мавзудаги саёз асарлар кўпайиб кетди. Таъсир доираси тор, ижтимоий юки енгил "ижод намуналари" томошабинлар, айниқса, ёшларнинг эстетик савиясига салбий таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан халқаро Тошкент кинофорумининг ўтказилиши айни муддао бўлди, деб ўйлайман. Анжуманда мухлислар сўнгги икки йил ичида дунёнинг турли мамлакатларида суратга олинган энг сара картиналардан бахраманд бўлиш имкониятига эга бўлишди. Форумда конкурс доирасидаги асарлар чекланиб қолгани йўқ. "Замонавий француз анимацияси", "Муҳрланган вақт", "Замонавий ўзбек киноси панорамаси" каби бир қанча қизиқарли дастурлар ҳам намойиш қилинди.

Ушбу анжуман ёш кино ижодкорлар учун катта маҳорат мактаби бўлади. Форумда Умид Ҳамдамов, Ҳусан Солиҳов каби юртимизнинг умидли, ёш ижодкорларига ҳам қатнашиш имкони берилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Анжуман доирасида хориж кино усталари иштирокида маҳорат соатлари, ижодий мулоқотлар ҳам уюштирилди.

Азиз ИМОМОВ,
"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"газетаси мухбири

Обуна – 2012

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ:

"ЎН ИККИ ЧИН ДЎСТ"

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси таҳририяти газета мазмундорлигини янада яхшилаш, фаоллик ва фидойилик кўрсатиб келаётган обуначиларни рағбатлантириш, улар сафини янада кенгайтириш мақсадида "Ўн икки чин дўст" танловини эълон қилади. Танловда миллати ва ёшидан қатъи назар, газетамизга садоқат ва меҳр кўрсатиб, доимий равишда йил бўйи обуна бўлиб келаётган, шунинг баробарида қуйидаги фазилатларга эга муштарийлар қатнашиши мумкин:

— кўз нурини тўкиб, газета ҳар бир сонидаги бадиий асарни синчиклаб ўқиётган, таъсирчан ўринларини ёд олиб, ифодали ўқиб юрган;

— энг яхши бадиий-публицистик мақолалар қаҳрамонларининг, шоир ва адиблар, санъаткорларнинг ҳаётига оид ибратли лавҳа ва воқеаларни оила, дўстлар даврасида, ишхона ва маҳаллаларда тарғиб қилиб келаётган обуначилар.

Номзодлар танловда иштирок этиш учун тақдим қилиши зарур бўлган ҳужжатлар ушбулардан иборат:

— Ўзи, туғилган жойи, ёши, оиласи, касбу кори, қизиқишлари ҳақида маълумотнома;

— Газетамизга кўп йиллардан буён обуна бўлиб келаётганига доир тегишли обуна ташкилотидан берилган маълумотнома;

— 2012 йил учун газетамизга обуна бўлгани тўғрисидаги ҳужжат нусхаси;

— газета мазмун-мундарижаси ва уни янада яхшилашга доир фикр-мулоҳазалар;

— 10х15 ҳажмдаги фотосурат.

— Э, қизиқ газета экан-ку!

Танлов ҳар йили ўтказилади. Бир марта танлов ғолиби бўлган номзод бошқа иштирок этмайди.

Сўзни сўзга улаб, йўқ жойдан жоиз-ножоиз маъно чиқаришга қобил таниқли журналистлар, газетхонларнинг манзилларига қатнайвериб, пойабзалининг пошнаси ўнгига ҳам, чапига ҳам ейилиб кетган заҳматкаш матбуот тарқатувчилар ва почта ходимларидан иборат нуфузли ҳайъат номзодлар орасидан газетамизга кўп йиллардан буён обуна бўлиб келаётган ўн икки муштарийни юқоридан қуйига тартибида аниқлаб беради.

Танлов ғолиблари:

— Ўзи, оиласи, касбу кори ҳақида ҳикоя қилувчи, бугунги ҳаёт, бунёдкорлик жараёнлари, инсон камолотида маънавият, адабиёт ва санъатнинг ўрни ва аҳамияти борасида мушоҳада юритувчи, шунингдек газета мазмундорлигини янада оширишга таллуқли мақола билан бенавбат чиқиш ҳуқуқини қўлга киритади;

— Мақола муаллиф сурати билан газетанинг биринчи саҳифасидан бошланиб, бошқа саҳифаларда давом этади;

— Мақолалар обуначилик нуфузига монанд кетма-кетликда, сонма-сон чоп этилади;

— Ғолиблар ҳақидаги маълумотлар ва уларга тегишли фотосурат таҳририят архивида чегараланмаган муддатларда сақланади;

— Танлов ғолиблари, шунингдек, газетамиз ҳомийси "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Танловга оид ҳужжатлар 2011 йил 31 декабргача қабул қилинади.

Танлов ҳайъати манзили:
Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси таҳририяти. Телефонлар: 233-52-91, 233-49-93.

Таҳририят.

— Қалай, ярашибдими?..

ЧИРОҒИНГ ЁНСИН, ЖИЯН

Хаҳдия

Вилоят марказига келиб режалаган ишларимни бирин-кетин уддаладим. Аксарият ишларимни тегишли идораларга кириб битирган бўлсам, баъзиларини узоқни яқин, оғирни енгил қиладиган "митти телефонча" орқали ҳал қилдим. "Миттивой" билан дўндириб қўйган илтимосларимнинг охиргисига гўшакни кўтарган ходим томонидан: "Бу ишингизни шундай бажариб бўлмайди", деган жавоб бўлди.

— Қандай бажарса бўлади?

— Бу масалада туман ташкилотларимиздан бизга мурожаат қилингани маъқул.

— Сизга чиқилса ҳам бўладими?

— Йўқ, бошқармамиз бошлиғига.

— Ундай бўлса, оғайнижон, илтимос сиздан, бошқармангиз бошлиғининг телефонини айтиб юборсангиз.

— Плюс тўқсон тўққиз, саккиз, етмиш беш, икки юз йигирма тўққиз, олтмиш тўрт, нол тўққиз, — деган жавобдан хурсанд бўлиб кетдим. Хаёлимдан яхши ходимлар бошлиқлари телефонини ёд билишади, ёмонлари билмайди ёки билишса ҳам "у киши бизга номерларини бермайдилар", деб гапни калта қилади деган ўй ўтди. Сўнг беихтиёр:

— У кишининг исм-шарифларини ҳам айтсангиз миннатдор бўлардим, — дея илтижо қилдим.

Телефондаги суҳбатдошим яхши ходимлигини яна исбот қилди: "У кишининг исм-шарифлари Тоштемир Чоршанбиевич Мавлонов", дея тўкис жавоб берди. Менинг эса у: "Туман ташкилотлари бошлиғимиз исм-шарифини яхши билишади", деб жавоб қайтарса, нима қиламан, дея юрагим пўкиллаб турарди. Хайрият-е, ҳовуримдан тушдим. Энди иш осон кўчади. Негаки, шу ташкилотнинг туманимиздаги бўлимига яқинда жиянгинам бошлиқ бўлиб тайинланганди. Шунинг учун Мавлонов жаноблари телефондан жиян билан тоғанинг овозини ҳали у қадар фарқламаса керак, деган илинж билан рақамларни тера бошладим.

— Да, Мавлонов эшитади.

— Ассалому алайкум, Тоштемир Чоршанбиевич, — дедим баралла.

— Алайкум, кимсиз? — деди у баъзи амалдорларга хос чала алик оларкан.

— Отамуродов Ҳайитмуродман, Ғузордан.

— Ҳайитбой яхшимисиз? Хўш, хизмат.

Фурсатни бой бермай мақсадга ўтиб қўя қолдим.

— Буни ҳал қиламиз, — деди Мавлонов.

— Раҳмат Тоштемир ака, — дея миннатдорлик билдиргандим, Мавлонов бирданига шундай деди:

— Қўнғироқ қилганингиз яхши бўлди, Отамуродов. Сиз тўғрингизда баъзи "данний"лар керак эди.

— Бемалол дедим, — ўзимни хотиржам тутиб. Жиян ҳақида ҳар қандай маълумотни беришга тайёрман. Мавлонов сўрай кетди:

— Туғилган йилингиз?

Бу саволни эшитиб, бошқармадаги шахсий варақамда барча маълумотлар бор-ку, дея олмадим. Боиси Мавлонов илтимосимни бажо келтирди, қолаверса, жияним тўғрисидаги ҳар қандай маълумотни, жиян бўладию билмайманми?

— Минг тўққиз юз олтмиш тўртинчи йил, — дедим.

— Маълумотингиз?

— Олий.

— Қайси институтни, қачон битиргансиз?

— Иқтисодиёт институти, минг тўққиз юз саксон олтинчи йил.

— Факултет?

— Молия, — дедим.

Нафақат жиян ўқиган куллиётни, балки сабоқ берган устозларини ҳам билардим. Сабаби, жиян каминани замонавий "танка" билибми ёки дангасалигиданми ҳар гал имтиҳон олдидан, тоға у домлага айтиб қўйинг, бу домлага айтиб қўйинг, қарашиб юборсин, деб тургани, унинг истакларини бажо келтираман, деб домлаларнинг аксариятига таниш бўлиб қолгандим.

Хуллас, Мавлонов жияннинг неча фарзанди борлигию ҳатто чет элда яшаётган яқин қариндоши йўқлигигача жавоб олди. Барча саволларга тўлиқ жавоб берганимдан ўзимча мамнун бўлиб тургандим Мавлонов яна бирдан:

— Хўш, энди менга шу йилнинг тўққиз ойлик ҳисоботини ўтган йилнинг шу даврига таққослаб айтиб туринг, — деб қолди.

"Ёраб, — дедим ичимда, — энди нима қиламан?". Шу кез каллам ишлаб кетди: шаҳардаги қайси жойга пластик карточкамни кўрсатсам, барчасидан "Илож йўқ, аппарат ишламаяпти, ток ўчган", деган бир хил жавоб олганимни эслаб, ўша тажрибага таяндим:

— Тоштемир Чоршанбиевич, барча ҳисоботлар компютерда эди, афсуски ҳозир чироқ ўчган, буни айтишнинг иложи йўқ, — дедим.

— Шунақами? — деди Мавлонов шаштидан тушиб, — чироқ ёнгач етказинг.

— Хўп бўлади, — дея алоқани уздим.

Хайрият-е. Пешонамдаги терни кафтим билан сидирдим. Ҳозирча иш ёмон эмас, энди тез жиянга қўнғироқ қилиб, уни огоҳ этишим керак. Акс ҳолда ишнинг "пачаваси" чиқиши ҳеч гапмас.

Шу пайт қўл телефоним ғингшиган ит каби шинғиллай бошлади.

Ана холос. Кўнглимдан "Мен қиламан ўттиз, Худо қилар тўққиз" мақоли ўтди. Телефондаги "батарея разряжена" сўзларига термулиб, жони "тўлиқ чиқмасдан" жияннинг рақамини тера бошладим. Жиян:

— Ҳа, тоға, — деди.

— Жиян, — дея олдим базўр. Телефон ўчди.

Бироз кутиб яна қўшдим.

Бу гал жиян:

— Тинчликми? — деди.

— Бошлиғинг, — дея олдим холос. Ҳар қанча титкиламай телефондан садо чиқмади. Излаб-излаб зарядлагич ингичка сим топдим. Токка улашим биланоқ қўнғироқ қилиб, жиянга масалани тушунтирдим.

— Ҳа, хабарим бор, — деди у бамайлихотир. — Ҳозир каттамизнинг ўзи қўнғироқ қилиб: "Ҳисобот нима бўлди Отамуродов", деб сўради. Мен чироқ ўчгани учун ток йўқ, дегандим, у киши: "Чироқларинг ҳали ёнмадими?" деб телефонни узди...

Жияннинг бу гапидан сўнг барча ишлар силлиқ кўчганидан хурсанд бўлиб:

— Чироғинг ёнсин, жиян! — деб юбордим.

Қилич НУРМУҲАММАД

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вақти-вақти билан инсон организми соғлом ва навқирон бўлишига ёрдам берадиган шифобахш неъматлар рўйхати ҳамда уларнинг тавсифини эълон қилиб боради. Қуйида ана шу рўйхатдаги айрим неъматларнинг хосияти билан танишасиз.

Помидор. Унинг таркибида ликопин моддаси кўп бўлиб, бу простата бези фаолияти учун ниҳоятда муҳим. Ликопин айни пайтда кучли антиоксидант ҳам, у қариш жараёнига тўсқинлик қилади ва организмни саратон хасталикларидан муҳофазалайди.

Булғори қизил қалампир. Бу неъмат юракнинг фаол ишлаши учун жуда фойдали. Икки дона булғори қизил қалампирда С дармондорисининг бир кеча-кундузга етарли меъёри мавжуд.

Қора узум таркибида кўп миқдордаги антиоксидантлар, шунингдек, организмни бардам ва тетик тутишга ёрдам берадиган флавоноидлар мавжуд.

Майиз ва баргак (данаксиз туршак) бош мия фаолиятини яхшилайди. Бу қуруқ мевалардан бир сиқими бир кунга кифоя.

Соғлиғинг — бойлигинг

Гўшт. Фойдали холестеринлар организмга гўшт орқали тушади ва жинсий гормонлар ҳосил бўлишига замин яратади. Шу сабабли эркаклар таомида, албатта, гўшт бўлиши керак.

Балиқ. Энг фойдалиси лосос ва треска. Балиқ организм навқиронлигини сақлаш ҳамда бош мия фаолиятини яхшилашда бетакрор ҳисобланган "омега - 3" ёғ кислотаси, селен ва фосфор манбаидир. Улар иш қобилиятини ошириб, кайфиятни яхшилайди.

Сули бўтқаси. Сули ёрмаси ва кепаги қон томирларни тозалайдиган клетчаткага бой. Бундан ташқари, сули таркибида Е дармондориси кўп. У одамни доимо тетик ва бардам тутади, терининг соғлом ва қон томирларининг мустаҳкам бўлишига хизмат қилади.

Карам бетакрор антиоксидант, клетчатка, фолий кислотаси ва С дармондори манбаи ҳисобланади. Брокколи карамида кўкрак саратонидан муҳофазаловчи моддалар мавжуд. Қишда кам тузлаб бижғитилган карамдан фойдали неъмат йўқ. Унинг таркибида С дармондориси кўп. Шу билан бирга, бундай карам организмнинг табиий тозаланишига ёрдам беради. У, айниқса, аёллар учун фойдали.

Черника. Кўз нурини кучайтириб, қаришга тўсқинлик қиладиган неъмат. Клюква (қизил нордон бута меваси), маймунжон, наъматак меваларида ҳам дармондорилар сероб. Уларни, айниқса, яқинда узилган мевалари ғоятда фойдали. Бу неъматларнинг бир сиқими кун бўйи бардам юришингизни таъминлайди.

Ёнғоқ, дуккаклилар, денгиз маҳсулотлари (креветка, мидия ва ҳоказо.) ҳам умрни узайтиради. Тухум ва сут оқсиллар манбаидир. Шунингдек, зайтун ёки чучитилмаган кунгабоқар ёғларининг ҳам фойдаси кўп. Ўз юртингизда етиладиган олма эса жигарни ҳимояловчи, заҳарли моддаларни чиқариб юборувчи пектин моддаларига бой.

ҚАЙТА ИШЛАНГАН ЁҒНИНГ ЗАРАРИ

Кўпчилик ҳайвонот ёғлари зарари ҳақида эшитган. Бироқ қайта ишланган ёғлар (трансжир)даги липидлар саломатлик учун хатарли экани ҳақида маълумотга эга кишилар жуда кам. Инсон соғлиғига зарари катта бўлган ёғга қарши кураш ўтган асрнинг 90-йилларида бошланган эса-да, Россияга эндигина етиб келди. Ҳозир мутасаддилар аҳолини ундан муҳофаза этиш устида бош қотиришмоқда.

Хўш, муаммо нимада? Аввало шуни айтиш керакки, "трансжир" деб аталувчи қайта ишланган ёғлар юрак ва қон томирлар фаолияти учун жуда зararли. Сабаби бу ёғ қон таркибида ёмон холестеринни ошириб, яхшисини камайтиради. Бундай ёғлардан фойдаланишни бир оз камайтиришга эришилганда ҳам юрак хасталиклари 53 фоизга қисқариши аниқланган. Иккинчидан, "трансжир"лар саратон ўсмаси хавфини кескин ошириб юборар экан. Шу нарса исботланганки, бундай қайта ишланган ёғларни кўп истеъмол қиладиган аёллар саратон хасталигига 40 фоиз кўпроқ чалинаркан. Йўғон ичак, ўпка ва простата ўсмаси бўйича ҳам айнан шундай маълумотлар мавжуд. Организмда "трансжир"лар салбий таъсир кўрсатмайдиган бирорта аъзо ёки тизимни топиш қийин. Уларни ферментли заҳар, деб аташаётгани бежиз эмас. Гарвард университети олимлари эса, яқинда "трансжир"лар эркак уруғлиги сифатини бузиб юборишини аниқлашди. Озиқ-овқат ва тиббиёт мутахассислари ҳамкорликда ўтказган тажрибада "трансжир" билан озиқланувчи эркаклар спермасида ушбу ёғлар тўпланиб қолаётгани аниқланди.

Қайта ишланган "трансжир" ёғ организмда парчаланмайди. Табиатда эса деярли учрамайди. Фақат суюқ ёғлар қаттиқ ёғларга айлантирилганда ҳосил бўлади. Маргарин шундай гидрогенизация усулида тайёрланади ва ундаги ёғ кислотаси молекулалари ўзгариб кетади. Афсуски, бундай "трансжир"лар кенг кўламда ишлатилади. Улар саноат усулида тайёрланган кўплаб маҳсулот ва ярим тайёр маҳсулотларда учрайди. Дўконларда сотилмаса-да, озиқ-овқат саноати ходимлари жон деб ишлатаётган энг арзон маргарин ва турли ошхона ёғлари шулар жумласидандир. Айримлар ҳатто уйларида ҳам шундай "ошхона-фабрикалар" очиб, маргарин ва турли эритилган (сутдан олинган ёғ эмас, ўсимлик ёғларини қайта ишлаш орқали тайёрланган) ёғлардан устамонлик билан фойдаланишади. Уйда тайёрланган бундай таомлар ҳам "трансжир"ли, яъни қайта ишланган ёғга пиширилган бўлади.

Шуниси ажабланарлики, "трансжир"ли маргаринлар неча ўн йиллар мобайнида юрак ва қон томирлар учун фойдали маҳсулот сифатида реклама қилиб келинди. Ҳатто шифокорлар бу алдовга чув тушиб, улардан сариёғ ва эт ёғи ўрнида фойдаланишни тавсия эта бошладилар. Оқибатда АҚШда табиий ёғларни татиб ҳам кўрмаган бутун бир авлод улғайди. Бу тарғиботнинг асорати ҳозиргача мавжуд. Бу борада жиддий тадқиқотлар олиб борилгач, ўтган асрнинг 90-йилларидан вазият ўзгара бошлади. Россияда "трансжир"ларнинг зарари ҳақидаги илк маълумотлар 1997 йилда эълон қилинди ва "трансжир" ишлаб чиқарувчи турли ғарб компанияларидан манфаатдор бўлган мутахассислар танқидига учради. Бироқ бутун дунё озиқ-овқат саноатидан "трансжир"лар қувиб чиқарила бошлангач, сир фош бўлди.

Сут маҳсулотлари ёғи таркибини аниқлаш лабораторияси раҳбари Е.Юрованинг айтишича, хорижда "трансжир"дан фойдаланиш чекланмоқда. Дания бутунлай таъқиқлаган. АҚШ ва бошқа мамлакатларда уларнинг маҳсулотлардаги миқдори ёзиб қўйилмоқда. Россиядаги мўмай даромад ишқибозлари "трансжир" миқдорини очиқ ёзишга йўл беришмаяпти. Хўш, "трансжир" қандай аниқланади? Сиз харид қилган маҳсулот ёрлиғида "гидрирлашган" ёки "гидрогенизлашган" деган ёзув бўлса, билингки, унинг таркибида, албатта, "трансжир" мавжуд. Ишлаб чиқарувчилар аксарият ҳолда ёғлар қайта ишланганини яшириб, ўсимлик ёғидан фойдаланилди, деб ёзиб қўйишади. Маргарин ва кулинария ёғлари таркибида "трансжир"лар, албатта, мавжуд.

Эсда тутинг: деярли барча кондитерлик, нон-бўлка ва сут маҳсулотларида, фастфуд, чипса каби ярим тайёр таомлар, шунингдек, пишлоқда, ўсимлик ёғи қўшилган музқаймоқда қайта ишланган "трансжир"лар бор.

"АиФ"нинг 41-42-сонларидан.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази
"Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси,
Бухоро вилояти ҳокимлигининг
Маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда
2011 йил 10-11 ноябр кунлари

ҲАВАСКОРЛИК ТЕАТРЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗАДИ

Фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ўтказилган фестивалларнинг ғолиб жамоалари ўзларининг саҳна асарлари билан иштирок этадилар. Фестивалнинг тантанали очилиш маросими 2011 йил 10 ноябр куни соат 11-00да С.Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма театрида ўтади. Шу куни соат 9.00 дан 11.00 гача фестивал доирасида "Кўҳна ва боқий Бухоро мажмуаси"да халқ амалий санъати усталари, миллий чолғулар ясовчи усталар ва қўғирчоқозларнинг асарлари асосида кўргазма, анъанавий цирк санъати гуруҳлари ҳамда қўғирчоқ театрларининг томошалари ташкил этилади.

Ташкилий қўмита
Тел: 244-52-98, 244-41-34

ДАРЁ СОКИН ОҚАВЕРАДИ

Унда бошқаларнинг шодлигию ғамини сиғдира оладиган саховати кенг қалб бор эди...

* * *

Босиқ ва хокисорлик ҳеч қачон журъатсизликни англатмайди. Зеро, сокин, тўлиб оққан дарёнинг тагидаги жараён анча шиддатлидир.

* * *

Ўзга бир кишини ёмонлашдан олдин, унинг фазилатларини бирма-бир кўз олдингизга келтиринг.

* * *

Кексалик аломати, уни тан олмасликдан бошланади.

* * *

Киши донолигини сир тутиши мумкин, лекин нодонлигини, асло.

* * *

Моҳиятни тушунганлар учун далил ва исбот шарт эмас.

ЎЗАРО СУҲБАТДАН

— Хўш, китобим қандай чиқибди?

— Гап йўқ, китобмисан китоб. Бировнинг бошига урса, тарс ёрадиган бўлибди.

— Йўқ, мен ичидаги ёзилганларини назарда тутяпман.

— Зўр! Ахир, муқованинг қаттиқлиги ва китобнинг оғирлиги айтиб турибди-ку?!

ҚИШЛОҚДАГИ ГАПЛАРДАН

— Шомурод, табриклайман, кеча телевизорда зўр чиқиш қилдинг-да. Биз чечанг билан ақлли гапларингни эшитиб, роса маза қилдик.

Қатралар

— Қанақа чиқиш? Қайси дастурда?

— Қайси дастурдагиси ёдимда йўқ. Лекин зўр иш бўлибди-да...

— Ҳой, тоғажон. Мен ўзи мавзуни яхши ёрита олдимми? Сиз қандай фикрдасиз?

— Эй, бола, жуда қизиқсан-эй! Сен нима ҳақда гапирганинг билан менинг неча пуллик ишим бор? Лекин, сен "маладес". Ўзингни эркин тутиб, росаям чиройли сўзларни сўзладинг! Гап йўқ, лекин...

Обиддин МАҲМУДОВ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 uzas@b2c.uz
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4778 Буюртма Г — 1044. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Тақилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН